

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

ХИРМОНИНГИЗГА БАРАКА, ҲАЗРАТИ ДЕҲҚОНЛАР!



У бизнинг фахру ифтихоримиз, миллий бойлигимиз... Уни биз тилло билан тенг кўраимиз. У биз учун шунчалар қадрли, шунчалар азиз... Оппок, юмшоқ, иссиқ... Иссиқда ҳам, совуқда ҳам бирдай танзимизга роҳат бахш этади, оғир ва энгил саноатимизда, озиқ-овқат саноатимизда зарур, асосий маҳсулот саналади, қисқаси турмушимизни таъминлашга хизмат қилади. Бу нима? Бу саволга Ўзбекистонимизнинг катта-кичик барча фуқароси ўйлаб ўтирмай дарҳол жавоб беради-пахта... Лекин яна бир ҳақиқат ҳаммага кундай очиқ-равшан-иссиқ-қина, оппоққина, юмшоққина бу маҳсулот ҳазрати деҳқоннинг меҳнати, заҳмати, пешона тери билан яратилади, миллий бойликка айланади.

Шу кунларда республикамиз пахта далаларида меҳнат қизгин паллага кирган "Оқ олтин" хирмонимиз 2 миллион тоннадан ошди. Учинчи миллион тонна ҳисобига ҳосил тўпланмоқда. Пахтакорлар кузнинг иссиқ, хузурбахш кунларидан унумли

фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Пахта териш машиналари катта қувват билан ишляпти. Теримчиларнинг кўли-кўлига тегмайди. Бунда ҳукуматимизнинг йғим-теримни тўғри ташкил этиш борасидаги амалий эътибори, ғамхўрлиги катта аҳамият касб этмоқда. Далада ишловчиларга иш ҳақининг узлуксиз бериб борилаётганлиги, маданият, санъат намоёндаларининг бевосита меҳнаткашлар хузурида бўлиб тадбирлар ўтказишлари меҳнаткашлар кучига-куч, ғайратига-ғайрат кўшаяпти.

Бунга биз Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани "Ғалаба" жамоа ҳўжалигида бўлганимизда яна бир бор амин бўлдик.

- Бу йил деҳқонларимиз учун омадли йил бўляпти,- дейди "Навбахор" фермер ҳўжалиги бошлиғи Муҳаммаджон Мусаев. - Аввало 35 гектар ерга экилган буғдой майдонидан мўл ҳосил олиб, режани 110 фоизга бажардик. 44 гектар уруғлик пахта майдонимиз бор. Ҳозиргача белгиланган режанинг 70 фоизини уддаладик.

- Мен ўзим кишлоқ ҳўжалик институтини битирганман. Касб-корим билан фахрланаман. Пахта-

корликдан улўғроқ касб борми? Далалардан роҳат, фароғат топанман,- дейди "Жозиба" фермер ҳўжалиги раҳбари Жамила Ширинова.

- Мамлакатимиздаги бунёдкорлик ишлари биз деҳқонларни ҳам руҳлантиради. Меҳнатимиз маҳсули юрт ободлиги, келажагимиз саодатига ҳисса бўлиб кўшилишидан бахтиёрман,- дейди юзлари офтобда тобланган Рўзигул Давлатова.

"Ғалаба" жамоа ҳўжалиги раиси Назира Ғаниева пахтакорларнинг руҳияти баландлиги, йғим-терим ишларини қисқа муддатда, сифатли яқунлашга аҳд қилишганини айтди.

Офтоб чехрали пахтакорлар сўй-ҳаракати, орзу-ниятлари билан ошно бўларканмиз кўнглимиздан: -"Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик",- деган нақл беихтиёр ўтади. Турмушини ўз олтин кўллари билан чиройли этаётган юртдошларимизга тасаннолар бўлсин.

Ўз мухбиримиз

ТИНЧЛИКДАН ОРТИҚ БАХТ БОРМИ?

Оллоҳга шукроналар бўлсинким бугунги Ўзбекистоннинг боғлари жаннат, бешикдаги гўдаги аллалари, хонадонлари фариштали, мукаррам юрт осойишта, ҳаловатли. Атлас кўйлак кийиб қапа-лақдай учиб юрар эканман, ўзимнинг бору йўқ ташвишу армонларимни барисини унутиб, "Тинчликдан-да ортиқ бахт борми?" дейман. Негаки жангу-жадални ўз кўзларим билан кўрмаган эсамда бу пажмурда қалбим, уруш отлиқ иблисининг азобларини, оғриқларини ҳис этиб яшайди.

Асли тожик қизиман. Гарчи она юртим Ўзбекистон эрса-да, отам Абдурахмон Жомий каби буюк алломаларга кўкрак тутган тожик элининг фарзанди. Дадажоним Фаргонанинг сўлим гўшасида таваллуд топгани билан бу икки юртни ҳеч қачон айро билмаган. "Мен тожик, онанг ўзбек", деб англатмаган, "Ҳаммамиз бир Туронзамин дилбандимиз дейдилар", доимо. Аммо яқин-узқондаги ноҳус хабарлардан кўнгиллари вайрон бўлаётганини маънос кўзларидан сезиб қоламан.

Хаёлимда фариштага айлансаму дадам сингари тинчликпарвар элимизнинг қалбига ғашлик солаётган гумроҳларнинг юрагини поклаб, кўлига қурол эмас, Жалолиддин Румийнинг "Маснавийнома"сини тутқазсам.

Шоир айтгандек:

**Чунки гул рафту гулистон даргузашт
Нашавий 3-он пас зи булбул саргузашт.**

Яъни: Қачон гул фасли ўтса гулистон айёми ҳам ўтар, энди булбул саргузаштини тингламайсан. Мавлоно Ёқуб Чархӣ ёзадилар: "Булбул гул юзини кўргач ўз навосини бошлайди, Аммо зимистон ва тиканзорда хомуш бўлади". Азиз юртдошлар, шунинг учун ҳам тинчлик қадрига етишимиз, уни асраб авайлаб, тинчлигимизни бузмоқчи бўлган ғанимларга бир муштага айланиб зарба беришимиз зарур. Ўзбекистонимиз тинчлиги ҳамиша барқарор бўлсин.

ИБРАГИМОВА,

Кувасой шаҳар, 2-мактаб
11-синф ўқувчиси.

ЎЗ УЙИМИЗ, ЎЗ ЭЛИМИЗ УЧУН МАСЪУЛМИЗ

Биз хўжайиним билан турмуш қурганимизга 18 йил бўлди. Икковимиз ҳам алоқа соҳасида ишлаб келаямиз. Хўжайиним Мухаммадjon Ҳакимов оддий хат ташувчи бўлиб ишга кириб ҳозирда ҳалол меҳнатлари эвазига Фарғона шаҳар почтаси бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқдалар. Мен эса "Матбуот тарқатиш ушюмаси" дўкончиси. 4 фарзандни боқиб катта қилаямиз. "Ойла ва жамият" газетаси ҳаётимизда энг яқин ҳамроҳимиз, мададкоримиз. Юртимизда илоҳим тинчлик ҳукм сурсин, юртбошимиз омон бўлсинлар. Чунки тинчлик бор жой гуллаб яшнайдди, орзу-тилақлар ижобат топади.

Муқаддас чегараларимизга хавф-хатар солаётган, яшнаб турган ҳаётимизни кўролмаётганлар илоҳим қилмишларига яраша жазоларини тортсинлар. Ўз уйимиз, ўз эл-юртимиз тинчлиги, осойишталиги йўлида ўзимизни масъул деб билайлик.

Гулзода ҲАКИМОВА,
Фарғона вилояти, Ёрмасор қишлоғи

ҚАДРИМГА ЙИҒЛАЙМАН

Ёшим пайғамбар ёшидан ошган бир мўсафидман. Эсимни таниганимдан буён ҳалол меҳнат қилиб, халқимнинг хизматида бўлдим. Ўттиз етти йил Кувасой шаҳридаги 73-автокорхонада ҳайдовчи бўлиб ишладим. Бундан 5-6 йиллар чамаси олдин, нафақа ёшига етганимда оғир касалликка гирифтор бўлиб, танамнинг бир томони фалаж бўлиб ишламай қолди. Бир неча ой шаҳар шифохонасида даволаниб чиқдим, соғлигим аввалги ҳолатга қайтмади, ногирон бўлиб қолдим. Ҳеч қимни бировни кўлига қартиб қўймасин экан, нега-ки соғлигим бор вақтда югуриб-елиб ризқи-насибданги топиш буюк бахт экан. Шундай қилиб, мен ҳали кўп йиллар ишлаш ниятим бўлса-да, уйда кампириим қарамоғида қолдим. Бечора мени деб ҳеч қарга бормаиди. Ахир шунча йил халқ орасида бўлган одам уйда сиқилиб қолар экансан. Қувватим борлигида шифохонанинг физиотерапия бўлимига

ишониб қайтавердим. Бир бор остонамни ҳатлаб келмадилар. Бюджетдаги корхона бўлса ҳам, майли дердим, "маблағ йўқ-да" деб ўзимни овутардим. Лекин на илоҳки, бундай эмас. Ойнаи жаҳондан кўп йиллар бир жойда ишлаб энди иззату-икромда умргузаронлик қилаётган кексаларга қараб ҳавасим келади. Тўғри мен тоғни уриб талқон қилмадим ёхуд бирон қахрамонлик ҳам кўрсатганим йўқ. Лекин, шунча йил автобусда одамларни манзилига элтиб, ҳушёр ҳолда халқнинг оғирини энгил қилиб, қулгу-ғайратини савоб учун сарфлаган инсоннинг ҳам ўзига яраша ҳурмати бўлиши керак-ку!

Оллоҳга шукр, ёруғ кунларни кўриш насиб этди. Мустақиллик шарофати билан чиқазилётган инсонпарвар қарору-фармойишлар тўғрисида Ўзбекистон 70 йил асосатда кўрмаган мунавварликка эришаётим. Аммо баъзи бир кимсаларнинг айби билан бажарилмаётган ишлар ҳам бор.

Болаларим кўлидан келганича кўнглимга қарашади, лекин уларнинг ҳам ўз бола-чақаси, уй-жойи бор.

Бу мактубимни яхшиликка умид қилиб тугаллаб Носир Хисровнинг мана бу мисраларини замондошларимизга эслатмоқчиман:

**Тутгин қарилар
қалтироқ кўлин,
Қаригач билурсан
қарилик йўлин.**

Усмонжон ТОЙЛОҚОВ,
1-гурӯх ногирони. Фарғона
вилояти,
"Мўён" жамоа хўжалиги,
Кўприк-Боши қишлоғи

катнаб ҳеч қимга оғирлигимни туширмасликка ҳаракат қилдим. Аммо, сен хоҳласанг, хоҳла-масанг қарилик ўз кучини кўрсатар экан. Мана ёшим бир жойга бориб қолганда, кимларнингдир марҳаматига зор бўлиб ўтирибман. Гап шундаки, мен 37 йил хизмат қилган 73-автокорхона маъмурияти хабар олмайди. Ўзим бир неча бор касаллигимга қарамай улардан бориб нажот истадим. Кўп эмас, бор-йўғи биронта хушманзара даволаш оромгоҳига йўлланма сўрадим. Аммо отаси тенги одамни ёш боладай алдашди. "Отахон, боринг уйингизга, ўзимиз албатта олиб бориб берамиз", дейишса лаққа

АРЗИ ХОЛ

ЎЗБЕКИСТОН:

ЯНГИЛИКЛАР ВОҚЕАЛАР ҚИЗИБИДА

● 1 октябрь-ўқитувчилар ва мураббийлар кўни сифатида мамлакатимизда кенг нишонланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Ўзбекистон ўқитувчилари ва мураббийларига табрикнома йўллади.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Республикада таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, "Қадрлар тайёрлаш миллий

дастури"ни амалга ошириш, ёш авлод онгиде юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш, уларни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган муносиб хиссаси жамада ўзининг фидойиллиги билан кенг жамоатчилик иззат-ҳурматида сазовор бўлганлиги учун мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган хизматлари билан бир гуруҳи мукофотларга сазовор бўлишиди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 30 сентябр кўни Фарғона вилоятига сафар қилди. Ислоҳ Каримов Шарқий ҳарбий округ штабида ҳарбийлар, чегарачилар, миллий хавфсизлик хизмати, ҳуқуқ-тартибот идоралари билан аҳоли хавфсизлиги

ЯХШИЛАРДАН СЎЗ ОЧДИК "ХАРАКАТДАН БАРАКА АРИМАС"



- дейди Фарғона вилояти, Данғара туманидаги Тойпоқ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Турсуной Раҳматова.

Ўзининг озми-кўпми меҳнати билан шу юрт учун, Ватан учун тер тўкаётган инсонлар орамизда талайгина. Турсуной опа ҳам ўз меҳнати тўғрисида элу юрт орасида кадр-қиммат топаётган фидойи инсонлардан. Опа раҳбарлик қилаётган маҳаллага кириб бораркансиз, у ердаги саранжом-сарошталлиқ, осойишта меҳнат қилаётган кишилар хотиржамлигини кўриб аёл заковатига тасаннолар айтасиз. Чунки аёл бор жойда покизалик, орасталлик ҳамиша мужассам.

- Бу хайрли ишларни амалга оширишда мен фаолларимизга таянаман,- дейди опа қулиб. - Ўз халқи, Ватани, бир чимдим тўғрисида эъозлайдиган, қайғурадиган Муяссаржон Ўринбоева (хотин-қизлар кенгаши раиси), Фуломжон Турдикулов (туман қасаба уюшмаси ра-

иси), А. Худойбердиев (Худойбердиев номли жамоа хўжалиги раиси), А. Норқўзиев (туман ҳокими) қабиларнинг фидойиллиги билан фахрланамиз. Худудимизда ўтказилаётган "Аёл, сен муқаддассан", "Энг ибратли келинчақ", "Тарбиячи", "Бугунги қиз, эртага она" каби учрашув ва кўрик-танловлар аънамага айланиб бормоқда.

Ватан оиладан, оила эса остонадан бошланишини яхши биламиз. Бу қиёсланишимнинг бойиси шундаки, Тойпоқ қишлоғилик Тўраҳўжа Тўхтасинов, Салимаҳон Анорова, Хўжа қишлоғилик Отамирза Шерқўзиевлар оиласи энг ибратли оилалар сафидан ўрин олган.

Жамоа хўжалиги раиси А.Худойбердиевнинг халққа жонқуялиги боис Бахтиёржон Турғуновнинг никоҳ тўйини, уруш ва меҳнат фаришлари-нуроний отахону-онахонларимизнинг 80 ёшга тўлиши муносабати билан дастурхон ёзилди. Ҳаётимизда тўй-томшалар кўлайиб, дастурхонимиз ҳамиша тўкин-сочин бўлаверсин.

**Сухбатдош
М. СУЛАЙМОНОВ.**



ЮРТ ОЗОД, ОБОД БЎЛСА...

- Севимли, суоқли жондош-қондошларинг даврасида тириклик завқини суришдан ортиқ саодат йўқ экан,- дейди тошкентлик пиру бадавлат отахон Сайфиддин Тўлаганов. Ойла бахту саодати - Ватан озодлиги, фаровонлиги билан. Илоҳим осмонимиз мусаффо, эл-юртимиз тинч, омон бўлсин.

А. МАВЛОНОВ
туширган сурат.

ЧОРШАНБАДАН - ЧОРШАНБАГАЧА

ишончлари, беғараз, чин қоракдан чиққан сўзлари ғайратимга ғайрат, кучимга-куч қўшади. Аввал ҳам айтганимдек, мен учун халқим, юртим тинчлигидан ҳам улғурок мақсад, бахт йўқ!

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Мамлакатимизда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини бажарган Асака тумани пахтакорларига, барча меҳнаткашларига табрик йўллади.

● 4 октябрь кўни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов давлат ташрифи билан Корея Республикасига жўнаб кетди

АЛПОМИШ

(Боши 33-36-37 сонларда)
Мазмуни



Бойсарининг элига қараб, Барчинони қалмоқ алплари - ё бирига, ё барига сўраётганини айтиб: "Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош", - деб фарёд чекканидан кейин яна ўртага Яртибой тушиб:-

- Хон Бойсари, эшит айтар сўзимди, Бул элларга бошлаб келган ўзингди (р), Тортинмайин бера бергин қизингди, Ҳазил билма менинг айтган сўзимди, дейди. Фалакнинг гардишини қарангки, қалмоқлардан қўрққан элнинг бошқа оқсоқоллари ҳам Яртибойнинг фикрини маъқуллайди. Ана энди Бойсарининг ёнишини кўринг:-
- Юрагим тўлди-е дийдаи гамда, Мусофирлик элда бўлдим шарманда... Менинг қизим-сенинг синглинг, номардлар! Қизинг бер, деб менинг кўнглим бўласан, Суюгимни ёнган ўтга соласан... Бу можарони эшитиб-кўриб турган Барчино ўтовидан чиқиб, отасига шундай дейди:
- Сен йиғладинг, ота, кўнглим бузилди, Дийда гирён бўлиб бағрим эзилди, Хафа қилма, ота, мендай қизингди, Кўябер алпларга менинг ўзимди...

Бу гапни эшитган эл кўрқиб: "Бу жувонмарг алпларга баланд-паст гапирар. Бунинг касофатига оёқоти бўлиб кетмайлик", дейшиб, Барчининг ўтовини кўтаришиб, бир овлоқ тепаликка чиқариб қўйдилар. Кун чошгоҳ бўлганда, Қоғотон дараларидан алплар йиғилиб келишди. "Келган бой!" деб Бойсарини чақирибди.

Бойсари уларнинг олдига чиқиб айтди: "Биз маслаҳат қил, йил ағдариб кўрдик. Қизимизнинг йили чичқон экан, ёши ўн тўртга чиқибди. Бизнинг ўзбекнинг расми шундай бўлади: қиз ўн тўртга чиққандан сўнг ўз ихтиёри ўзида қолади. Ана, бизнинг айтганимизга кўнмай, тепанинг бошига ўтовини тикиб ўтирибди. Ўзига борингизлар, ўзидан сўрангизлар. Бирингизга тиядимми, барингизга тиядимми-ўзи билади".

Қалмоқлар Барчининг ўтовига йўл олишди. Барчин уларга пешвоз чиқди. Унинг ҳолатини шоир шундай тасвирлайди:

"Барчин турар ҳурдай бўлиб,
Тиши гавҳар-дурдай бўлиб,
Жамоллари ойдай бўлиб,
Мисли асов тойдай бўлиб,
Сагрлари ёйдай бўлиб,
Бир минг кўйли бойдай бўлиб..."
Ниҳоят, Барчин уларга қараб шундай дейди:-
- Олти ойга сиздан муҳлат сўрайин, Бойсин элга арза бериб кўрайин, Олтойгача мен йўлга қарайин.
Келса келар Кўнгирот элдан Алпомиш,
Келмаса, мен тақдиримдан кўрайин...
Менинг тўрам, билсанг, Бойсун султони,
Унга қурбон мендай ойимнинг жони...
Қалмоқ алплари йўлашиб кўриб, Барчининг шартига рози бўлиб, манзилларига қайтиб кетдилар.

Барчин эса элидаги энг зўр йигитлардан ўн тасини танлаб, отасининг йилқиларидан саралаб

"АЛПОМИШ"НИ ЎРГАНАМИЗ

олинган ўнта тулпорга миндириб: "Олти ойчалик йўлга келдим, қалмоқнинг қўлида қолдим, олти ойга муҳлат олдим. Мендан умиди бўлса, бек Алпомиш келсин, бўлмаса жавобимни бери-син", - деб битилган мактубни уларга тутқазиб, Бойсин-Кўнгиротга жўнатиб юборибди.

Чопарлар тўқсон кеча-кундуз йўл юриб, Бойсинга етишди. Бойбўрининг ўтовига рўпара бўлишди. Бойбўри қараса, келган одамларнинг ўзлари отларидан тушолмайди: худди қотиб қолишган. Маҳрамларига айтиб, уларни отдан тушириб олади. Сўнгра улар хат-аризани Бойбўрига беришади. Бойбўри келинидан келган мактубни ўқиб, сандигига солиб қўяди-да, уларни ўхшатиб меҳмон қилади. Бир-икки кундан кейин чопарлар дамларини олиб бўлиб, жўнажўнага тушишади. Шунда Бойбўри уларга қараб шундай дейди:-

- Чопарлар, эшитгин айтган ноламни, Барчин учун юбормайман боламни... Майдон бўлса, бедов отлар чопилар, Алпомиш ўғлимга хотин топилар... Келганингни бек Алпомиш билмасин, Биров билиб яна хабар бермасин... Биров билса, Алпомишга билдирар, Кўнгиротнинг хонин қалмоқ ўлдирар... Билган сўзим сенга ошкор этарман, Билдирсанг, қувалаб сенга етарман, Ҳайдаб келиб, сени дорга тортарман... Ҳолинг билиб, тўри кетгин, чопарлар! Чопарлар Бойбўридан бу сўзни эшитиб: "Сира ҳам оғзимиздан чиқармаймиз", -деб йўлга тушиб кетдилар.

(Давоми бор)
Сайёра ХОЛМИРЗАЕВА

ОҚИЛА АЁЛ УМР ЙЎМОШИНГ БЎЛСА...



Турмуш ўртоғим Нарзियो билан ўн фарзандни тарбиялаб воғга етказдик. Учтасини олий маълумотли қилдик. 17 неварамиз бор. Ёруғ дунёда нимаики яхши нарса қилолган бўлсам, одамлар яхши яшашлари, ишлашлари учун қандай имкониятлар яратган бўлсам, турмуш ўртоғим Нарзियो ёрдамда қила олдим. Аёл киши қандай қилиб эркак кишига-раҳбарга ёрдам беради?-дерсиз албатта...

Мен армия хизматини ўтаб, қайтган Нарзियोга уйландим. Оддий шофёр эдим. Нарзियो топган бир сўммини икки сўм қилиб, мисқоллаб рўзгор тутатди. Мени олий мактабда сиртдан ўқитди. Уришқоқ йигит эдим. Унинг маслаҳати, таъсири билан оғир-вазмин мулоҳазали эркакка айландим, элнинг тўю-маъракасига бош-қош бўлиб элга танилдим. Мен раҳбар киши адолатли бўлиши лозимлигини, ҳаётни, табиатни, одамларни севиши, қадрай олиши лозимлигини англаб етдим. Элга неча бор тўй бердик. Силамизнинг одамлар ҳавас қилдиган оила бўлишига Нарзियोнинг беқиёс улуғи бор, деб ҳисоблайман. 1990 йил мана шу ҳўжаликка ("Кўкдала") раҳбар этиб сайлан-

дим. Иқтисодиёти чўкиб, хазинасида бир мири пули йўқ, қаровсизликдан ери ишдан чиққан, одамлари маош ололмай қийин аҳволда қолган ҳўжаликни тезда тиклаш зарур эди. Ерни маҳаллий озуқа билан тўйинтириб, чуқур қилиб ҳайдатдим. Бошқа ҳўжаликлардан галла топиб келиб, ночор оилаларга бир, лозим топилганда икки центнердан тарқатдим. "Сан-зар 8" - навли чўл шартотида синалган баракали буғдой уруғидан эктирдим Худодан тиладим. Тилагим ижобат топди. Фалламизни ўрдик. Гектаридан 11-центнер ўрнига 16-центнердан хирмон кўтардик. Давлат режаларини 120 % бажариб, қолганини оморга тўкиб олдимда, ишчи хизматчиларимизга икки, хатто уч центнердан тарқатдим. Дала ишчиларининг муқофотга олган галласи ҳар биттасига бир тоннага борди.

Ҳўжалик оёққа туриб олди. Кишиларнинг турмуш шариити яхшиланди. (1996 йилга келиб) артезиан қудуқлар таъмирланди. Чорва туёғи кўпайди, ишчи-хизматчиларнинг ойлик маошлари вақтида берилди. Галла, пахта, пилла ҳамда чорва маҳсулотларидан давлат режалари бажарилди.

Раҳбар бўлиш осон иш эмас, ал-

батта. Юзимга қараб тиржайиб, тўзонимдан баҳраманд бўлган кимсалар устимдан аноним хатлар ёздилар. Текшир, текшир бошланиб кетди. Омбор тўла буғдой, ҳўжалик энг забардаст ҳўжалик бўлиб танилиб келган бир пайтда мени ишдан бўшатилди. (1997йил кузи) руҳим чўкди... Ушанда ёнимда аёлим Нарзियो кўнглимни кўтариб турди. Эрхотин кексайган сайин бир-бирига сўяниб қоларкан. Бошимга мушкул кунлар тушганда мен доим хотинимга сўяндим. Алам қиладиган жойи: адолатсизлик билан сабабсиз бўшатилди. Мен вазминлик билан ҳақлигимни исботлашга киришдим ва адолат қарор топди. Мени яна ўтган йилнинг кузида шу "Кўкдала" жамоа ҳўжалигига раҳбар этиб тайинландим. Шундагина билдим-одамга одамлар ҳамиша малҳам бўларкан. Шу одамлар мени яна тиклашди. Модомики шундай экан, мен одамларга, жамиятга керакли инсон эканман. Шу ўринда мен кўпроқ ишлашим, одамларга тўйлариди, оғир маъракаларида бош-қош бўлишим, моддий, маънавий ёрдам беришим керак. Нимаики қилиб бўлса ҳам бузилиб бораётган оилаларни тиклаб, эрларни адолат билан рўзгор кечиршига кўнктиришимиз керак.

Шу 1999 йилги ҳосилга 1998 йил кузида тайёрландик. Ер озуқа моддалар билан тўйинтирилиб, ҳайдалди, барака уруғ сепилди. Мана шу йил сувли галла 871 гектар, лалми 8,720 гектар бўлиб, 450 гектар ерга пахта эканмиз. Давлат режаси галла 104 %, пилла 100 %, чорва маҳсулотлари ҳам давлат режалари 100 % бажарилди. Кўйлар сони 3000 дан 3500 га, қорамоллар туёғи 500 дан 540 бошга кўпайди.

Кишиларнинг ойлик маошлари нақд пул ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари билан натура бериб борилапти. Омборимизда галламиз, кассамизда пулимиз мўмайгина. Шунинг ҳисобидан йўлларимиз асфалтлана-

ОИЛАНИНГ ОЛТИН КАЛИТИ

япти, артезиан қудуқлар таъмирланиб, ичимлик суви муаммолари ҳал этилади. Табиий газ ўтказишда, маданий-маиший иншоотлар қуришда ҳам кассамиздаги соф фойда маблағидан фойдаланаяпмиз.

Кишилар ҳаётини ижтимоий яхшилашга қаратилган ҳўкумат қарорларини амалга ошириш борасида ҳам ҳўжалигимиз катта имкониятларга эга. Кам таъминланган, кўп фарзандли оилаларга, қаровчисини йўқотган оилаларга, ҳамда ёлғиз кишиларга имтиёзли нархларда, ёки бепул-ҳўжалик ҳисобидан галла, ем, емиш, озиқ-овқат маҳсулотлари бердик. Керак бўлганда байрамлар муносабати билан гўшт, пахта ёғи, галла, пул берамиз. Тиббиёт масканлари, мактаблар, маиший пуллик хизмат масканларига иложи борича ёрдам берайпмиз. Туман "Галлабанк", "Пахтабанк"лари аванс тариқасида етарли маблағ бераётир. Меҳнаткашларга ойлик маошлар ўз вақтида берилаяпти.

Сўзим аввалида оилам тўкин-сочин бўлишида, фарзандларим ақли, хушли бўлиб камол топишида турмуш ўртоғим Нарзियोнинг улуғи беқиёс дегандим. Яна шунга айтаманки мен ҳаётимда нимагаки эришган бўлсам аёлим кўмагида эришдим. Шу муносабат билан баъзи бир эркакларга, оталарга шундай демоқчиман: болаларни тирик етим қилиб, хотинларни есир қилиб, кўча-кўйда сарсон қилманлар. Буюк инсонлар ҳамиша турмуш ўртоғларини ардоқлаганлар. Раҳбар бўлиш осон иш эмас. Ёнингда, оғир кунларингда оқила аёлинг бўлса, омад ҳаммиша йўлдошинг бўларкан. Барча юртдошларимизга, оилаларга мана шу Аёллар йилида пиру-бадавлатлик, бахт-саодат тилайман.

Абди ТУРДИЕВ,
Қақкадарё вилояти,
Чироқчи тумани,
"Кўкдала" жамоа ҳўжалиги
раиси.

ТАҚДИРИМ ҚИЛ УСТИДА

Кўнгилларга ҳузур бағишловчи гўзал хиёбон. Атроф ям-яшил. Фавворалар атрофида одамлар гавжум. Ҳамма ерда ҳам бир хилда сайрайдиган қушларнинг хониши бу ерда ўзгача, ёқимли. Жуфт-жуфт бўлиб айланган юрган йигит-қизлар ҳаётдан қандайдир маъно, гўзаллик қидириб атрофга назар ташлашади. Кимдир берилиб китоб ўқимокда. Кимдир кимидир илҳақлик билан кутмоқда. Хуллас кўпчилик озгина бўлса ҳам кундалик ташвишларини унутиб дам олиш учун келган. Бу гўшада ҳам ҳаёт осойишталик билан давом этмоқда.

Ванг-винг, дея қўлидаги янги машинасини ҳар томонга юргизиб иштиёқ билан ўйнаётган болаларимга махлиё бўлиб, ёшгина қизни ёнимга келиб ўтирганини сезмай қолибман. Саломлашдик. Кейин беихтиёр болалар томонга қарадим. Энди улар бир-биридан фақат ранги билан фарқ қилувчи машинасини алиштириб ўйнашарди.

Уғилларингизми, опа. Мунча ширин булар, деди ҳамроҳим уларга ҳавас билан тикиларкан. - Бахтли болалар экан. Сиз ҳам бахтли

табга чиқиб, синфдошларимнинг оталарини кўра бошлагандан кейин биланганман. Отамни бошқаларни отаси билан солиштирсам иччимдан эзилиб кетардим. Кейинчалик ақлим кириб борган сари дадамнинг қилмишларидан кўча-кўйда бош кўтаролмай қолдим. Чунки дадам оила, бола-чақа, қариндош-уруғ ҳамма-ҳаммасидан воз кечиб, ҳаётнинг бутун лаззатини ароққа алмашган, тинимсиз ичиб кўчаларда думалаб ётадиган одат чиқарган эди. Бирон юмуш билан кўчага қиксам ҳаммамнинг нигоҳи менга қадаларди. Ана Эргаш ароққўрнинг қизи, дегандай орқамдан то кўринмай кетгунимча таъқиб қилишарди. Доимо ўзга кўзларнинг ачиниш ёки масхараюмиз қарашларига дош бериш менга осон эмасди. Мактабда ҳам синфдошларимга кулги эдим. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Бир куни Шавкат деган синфдошим: "Умида кеча отанг қерда думалаб қолганини билсанми, бизнинг кўчамизда йўқилиб тушган, ўзимга роса қотиб қолибди. Уёғ-буёғидан турткилаб ҳам кўрдик. Ҳеч нарсани билгани йўқ." Кўпчилик орасида масхара қилиб



аёл экансиз.

- Бахтлигимизни қаерда билдингиз, - ярим ҳазил, ярим чин маънода жилмайиб Умидага (у ўзини шундай таништирганди) савол назари билан қарадим.

- Юз-кўзингиздаги гўзаллик, хотиржамликдан. Сиз ҳам жуда чиройли экансиз, худо хоҳласа бахтли ҳам бўласиз, дея унга суқлини қарадим. Эндигина 19-20 баҳорни қаршилаган бу дилбар қизнинг юз-кўзларидеги сир-синоат, бу қадар маюсликдан унинг қалбини бир четидега унсиз оғриқ борлигини англагандай бўлдим. Кўзларидан оқаётган ёш эса яна ҳайратимни оширди. Сизга нима бўлди, нега хафа бўляёсиз, дея сўрадим. Умида эса саволга савол билан жавоб қайтарди:

- Опа, сиз яхши кўриб турмушга чиққанми-сиз?

- Ҳа. Унда бировга кўнгли қўйиш ёки ундан ўзингиз истамаган ҳолда воз кечиб нақадар оғир эканлигини тушунасиз керак. Биласизми, ҳозир еру-ўққа сиймаяпман. Юрагим тўлиб турибди. Сизга ҳаётим ҳақида гапириб берсам қарши эмасми-сиз? Сизни оромингизни бузиб қўймайманми?

- Лозим топсангиз майли, гапиринг, кўнглингиз бўшайди, эҳтимол бирон чора ҳам топарсиз.

Умида чуқур бир хўрсиниб сал нарида қақир-қуқур кулиб бир-бирини қулаб ўйнаётган болаларимга ҳавасла қараб ўз ҳикоясини бошлади:

- Биласизми, болалигимда ҳатто ўз уйимда ҳам бирон марта хотиржам, шўх-шодон бўлиб уйин ўйнаганимни эслай олмайман. Энди эсласам ўша пайтларда ҳам отам ҳозиргидек тинимсиз ичар экан. Эс-эс билан отамнинг кўча эшикдан маст-аласт кириб келиб, жанжал-чиқариб, қўлга дуч келган нарсани онамга отишлари, жон оғриғидан дод деб йиғлашлари туфайли кўрқанимдан кўкариб, қотиб қолган чоғларимда айнан мана шу ўғилчаларингизни ёшида эдим. Бундай тўс-туполонлар уйимизда кунда-кунора бўлиб турарди. Биз отамиздан шу қадар зада бўлгандики, дарвоза тиқ этса отам келдимикан, деган хавотирда юрагимиз шигилларди. Агар ўша пайтларда мендан биров дунёдаги энг ёмон одамлар кимлар, деб сўрашганида "оталар" деб жавоб берган бўлар эдим. Ҳамма оталар ҳам бирдек "ёмон" бўлмаслигини эса сал каттариб, мак-

ДИЛ ИЗҲОРИ

апирилган бу гап юрагимга на-лардек теги. Отилиб синфдошимдан. Уша воқеадан кейин бир ҳафтага мактабга бормадим. Ҳаммадан, синфдошларимдан ҳам, мактабдан ҳам, отамдан ҳам нафратлана бошладим. Ҳеч кимни кўргим келмас, бот-бот хаёлимдан ўзимни ўлдирсаммикан, деган фикр айланарди. Фақат энди онамни ишга кетишини, уйда ёлғиз қолган пайтимда бу режамни амалга оширишни ўйлаб юрардим. Дарвоқе, онамни эсласам ҳали ҳозиргача бағри дилим эзилади. Табиатан юмшоқ назокатли онамнинг умри шу отамнинг қўлида ҳазон бўлиб бораётганига жуда жуда ичим ачирди. Кунда кунора отамнинг тинимсиз калтаклаши, (онам ниҳоятда гўзал бўлиб отам уни ҳар кимдан рашк қилган) ҳақоратларидан кўзларидан ёш аримасди-ю, аммо ҳеч кимга отам ҳақида чурқ этмасди. Доимо бешта боласининг беш хил ташвиши, тарбияси, уларни кийинтириш, едириб, ичириш ҳақида ўйларди. Шу сабаб доимо тинмай меҳнат қиларди. Шунчалик азобда яшашларига қарамай кўзларидан оналик меҳрини туйарди.

- Кунларнинг бирида онамни ишга жўнатаётган эдим. Кўча эшик тақиллади. Чиқиб қарасам синфдош дўгоналарим келишган экан. Сени синф раҳбаримиз қақираяпти, мактабга борар экансан, дейишди. Эртасида мактабга бордим. Биринчи соат алгебра дарси эди. Ҳамма ўқувчилар ўқитувчини поиларди. Шу пайт орқамдаги партада ўтирадиган Азиз деган синфдошим қўлимга булганган қороз тутқазиб кетди. Ҳайрон бўлдим. Лекин ўғил болаларни ичида озроқ кўнглимга ёқадигани шу Азиз эди. Унинг кўпинча ёнимни олишини, неча мартабала мени масхара қилган болалар билан уни, буни баҳона қилиб муштлашиб юришини сезардим. Аммо ҳозир жуда бошқача аҳволда эдим. Булганган қорозни секин очдим. Унда: "Умида нега дарсларга келмай қўйдинг. Шавкатдан хафа бўлдингми, у билан яккама-якка гаплашдим. Қани энди ҳам сени хафа қилиб кўрсин-чи."

- Умида нега доимо хафа бўлиб юрасан. Билсанми сенга кулиб юриш жуда ярашади. Яна сендан бир илтимосим бор эди. Дарсга ҳар куни кел. Сен бўлмасанг дарсда менинг ҳам ўтиргим келмайди. Синфга киришим билан нигоҳим сени қидиради. Чиройли кўзларингни кўргим келади, Азиз..."

(Давоми бор)

Оққа кўчирувчи: Нафиса АННАЕВА

ЭНДИ, ДЕСАНГИЗ...

БАЛИҚ ОВИГА БОРГАНДИК...

Ошнам телефон қилиб, балиқ овига таклиф қилди. Ким бормайди дейсиз? Дарров "нима олайин?" - деб сўрадим. - "Сендан обориш - обкелиш, балиқ қовуришга - ёғ олгин. Мен эса қармоқларни, ароқни, қозонни оламан", - деди.

Яхши доғланган пахта ёғини баклажга солиб, мотоциклга, автол ёнига қўйдим. Биласиз, мотоцикл кўп автол "ейди", бензинга қўшилади, шунинг учун баклаждаги автолни ҳам ҳар эҳтимолга қарши тўлдириб қўйдим.

Бирпасда манзилга ҳам етиб бордик. Қирғоқлар толларга тўла, кўлда яшил қамишлар чайқалиб шитир-шитир қилади, қуриган сув ўсимликларининг ҳиди ёқимли, сувда сакраётган балиқлар гўзал... Вой, Худо яратган табиат гўзаллиги олдида ҳамма нарсаси бир тийин! Ичмай бўладими "қиттак-қиттак" олдик.

Ҳамма ишнинг устаси экан. Дўстим қисқа вақтда дунёни балигини тутаяпти. Мен балиқ ушлашни ташлаб, тозалашга улгурмаяпман. Қоронги тушаяпти. Қозон тағига олов ёқиб, ошнамга тўхтат балиқ ушлашни, мотоциклдан ёғни олиб кел!", - дедим. Ўзим шоша-пиша ўтин теряпман. Қорин ҳам жуда оч. Ёғ солдигу, қизишини кутмай, балиқни ҳам қозонга солдик. Ёғ негадир, балиқ ташлашим билан қозонда тўлиб қайнаб чиқди?

- Балиқ "свежий", суви кўп! - деган хулосага келдик ва "қиттак-қиттак" яна олдик. Балиқ айтганимдек кўп. Қовурилган балиқнинг мазаси бироз галати-ю, лекин ароқ билан роса кетаяпти. Балиқ кетидан балиқ мазза, охири балиқ ҳиди босиб жонга теги.

Эрталаб қозонни қарайман - балиқни роса қовурибмиз.. Ҳатто балиқ ҳам, ёғ ҳам қорайиб кетибди.

Нарсаларни йиғиштирирман, ўртоғимга қарайман. Охири айтдим: "Ўртоқ, юзинг, кўлларинг қора-ку, нима қилиб қорайтирдинг?" У бўлса менга: - "Э, мен ҳам айтолмаётган эдим нега сенинг юзинг, кўлларинг қора? Қўйлагингдаги доғларга қара!"

- Э-ҳа, қоронғида куйдириб юрган балиқнинг доғлари. Совун йўқ, кўл-юзни балиқчақа ишқалаб ювдик.

Ошнамни уйига элтди, ўзим ҳам кайтдим. Мотоциклни йиғиштириб автолни оламан десам, автол йўқ. Ўрнида, кўзимга ишонмайман, доғланган пахта ёғи турибди. Балиқ овига, кайф устида, ёғ ўрнига автолда балиқ қовурибмиз... Ўртоғимга телефон қилиб қандай балиқ еганимизни айтаман, - "Э ўлмадик-ку!" - дейди.

Бу хали ҳаммаси эмас, хотин қаргаб-қаргаб автолдан қорайиб кетган кийимларни ювди. Обкелган балиқ ҳам кўнглини юмшатмади. Эртасига кўчага қиксам, ҳамма менга галати қарайди. Сабабини сўраштираман, бу балиқ овини бутун шаҳар билибди... Қайдан билган экан...

Талъат Йўлдошев.

Пискент

Тахририятдан:

Талъат Йўлдошев ҳикоя қилган воқеага ўхшаш қизик, антиқа ҳолатлар сизда ҳам юз бергандир. Бўлса дарҳол ёзиб юзориб: "Энди десангиз..." янги рўкнигимизни бойитишга ўз ҳиссангизни қўшишингизни сўраймиз.

ҚАЕРДАСАН, МАРУСА?

Яқинда хизмат тақозоси билан Ромитан туманидаги Шарофат биби Шомуродова хонадонларида бўлдим. Кекса онахоннинг бир армони бор экан, йиғлаб-қақшаб гапириб берди. Балки онахонга ёрдам бериш мумкиндир, деб "Оила ва жамият"га мактуб йўллаганман. Яхши-си, Шарофат бибининг суҳбатларини ўз тилларидан ҳикоя қилай:

"1929 йилда Ромитан тумани, "Нурафшон" жамоа ҳўжалигининг "Боғча" қишлоғида туғилганман. Чақалоқлигимдаёқ отам оламдан ўтган эканлар. Оиламиз онам - Ҳадича Ҳамроева ва мен билан акам Элму-

Мен етимчанинг кўрмаган кўлини, азобим қолмади. Туғмуш кўрдим, икки қизим туғилди, эрим монтер эди, ток уриб ёш ўлиб кетди. Ҳозирда икки қизим уйли-жойли, невараларим бор. Умримнинг балки охириги йилларини яшаётгандирман. Бир армон юрагимни ўртайд. Синглим Маруса тирикмикан? Нега у мени изламайди? Бу ердан кетганида 3-4 ёшли дўббоққина қизалоқ эди. Худди онамга ўхшарди. Ўғай отам Юсуфжон Сиддиқов ҳаётмиканлар? Балки синглимнинг фарзандлари бордир?

Марусанинг Фарғонага кетганлигини биламан холос, бошқа ҳеч нарсани билмайман. Дарагини эшитсам, кўрсам, ҳеч бўлмаганида болалари ҳақида эшитсам ҳам у дунёда тинч ётган бўлардим..."

Шарофат бибининг армонли кечмишларини "Оила ва жамият"га йўлларканман менинг ҳам кўнглимдан, балки Маруса топилар, опа-сингилларга дийдорлашув бахти на-сиб этар деган умид ўтди. Умид яхши нарсас. Яхшилиқни кутиб яшаш яхши...

Шарофат Шомуродованинг манзили: Бухоро вилояти, Ромитан тумани, "Нурафшон" жамоа ҳўжалиги "Боғча" қишлоғи.

Мафхират Атоева, Бухоро вилояти, "Ромитаннома" газетаси муҳаррири

УМИДЛИ ДУНЁ

АВВАЛО ДАРДИНГИЗНИ АНИҚЛАНГ

“Оиламни сақлаб қолишим керак”-35-сон

“Муштарий”нинг ҳолидан огоҳ бўлган, қалбингда ачиниш ҳисси пайдо бўлади, бепарқ қололмайсан. Инсонийлик юзасидан ёрдам бергинг келади. Ахир, қўшинг ҳам уиси бузилмасин, деганлар-ку.

“Муштарий”га Оллоҳ таоло сабр-тоқат берган, чидаб келаётган экан. Соғлом фикр-ледади, мактубидан кўриниб турибди. Шифокорлар невроз, деб таъхир қўйибдилар. Буни хато деб бўлмайди. Чунки ҳасталиги руҳиятига алоқадор.

Бу синглимизнинг ҳасталиги руҳи рости. На фақат у, эри ҳам. “Эр-хотин бир-биримизга бегонадаймиз... мен ўта совуқман. Ундан совиб бораёпман. Кейин жанжал чиқади. “Кўчага чиқсам, фикри дилми ўзимни машина таггама ташлаб ёки бирон нарса қилиб ўлдиргим келади. Неча марта эрим кўлимдан тортиб қолди” деган сўзлари, эрининг ўта рашк қилиб, жанжал қилишлари руҳий ҳасталикка дучор бўлганларини аниқлатади. Бу белгиларни ҳамма кўриб туради. Аммо инсон буни ҳасталик деб тан олмаси келмайди.

Кейинги вақтда Кўрзон каримда қораланган сеҳр-жоду деган илми амаллар пайдо бўлди. “Муштарий” тасдиқлаб, баён қилганидай ўзи чиройли, бунинг устига эридан ўн ёш кичик, эрининг топши-тутиши 2-3 рўзгорни боқишга етиб, ортиши атрофдагиларнинг ҳавасини эмас, ҳасадини келтиради. Ҳасад қора ишларга етаклайди. Аёл

ва эркак ўртасидаги “совуқчилик” сеҳр-жодудан бўлиши эҳтимол. Қора маъиявий дастур: эри билан ўртасига совуқчилик тушин, боши гурбатдан чикмасин, вос-вос бўлсин, ўзини осиб ўлдирсин ё машина тагга ташласин деган мазмундан иборат. Бу руҳий ҳасталиқдан қутулмай қоринда бола ривожланиши янада ҳавфлидир. Руҳиятида шундай дастури бор хотиндан туғилган бола соғлом бўлмайди. Тилсиз, оёқсиз туғилади. Гапиролмайди, юролмайди. Ёки гапирсада, юрсада, кўринишидан соғлом кўринсада, ҳалиги дастур болага ҳам ўтган бўлиб, қачондир фалоқат рўй бериши мумкин. Бола ўзини осиб, ёқиб, сувга ташлаши мумкин. Бундай балолардан Яратганининг ўзи асрасин.

Давоси: “Муштарий”хон аввало соғлом ва эзу ишларни ўзига касб қилиб олган башоратчига учраб, дардини аниқлаши, жоду бор, деса бўлган бошқа ишончли руҳий амалиётчига олдириши ва башорати айтган йўриқнома бўйича руҳий амаллар бажариши керак бўлади. Шунда оиласи бузилмайди, эри билан ўртасидаги “совуқчилик” кетади. Фарзанди туғилган бўлса, руҳий амал иккаласига ҳам ўтказилиши кераки, “қора” дастур болада қолмасин. Покланиш амали бевосита “Муштарий”хоннинг эрига ҳам тааллуқлидир.
Мўмин ХОЛМУРДОВ

МУҲАББАТНИ ҚАЛҚОН ҚИЛМА...

“Мен бу йўлдан қайтмайман”-35-сон

Азизанинг дил изхори газабимни орттириб юборди.

50 ни қоралаб, 22 йил рўзгор тутган, олди фарзандларидан невара кўриши яқинлашиб қолган киши 28 яшар бева жувонни севиб қолибди. Бу севгим?! Боринги, севиғи ҳам бўлсин. Агар ўша аёл эри билан яшаётган бўлса-чи, унда ҳам севиб қолармиди. Йўқ, унда вазият бошқачароқ бўларди. Аёл ўша эркак ўзини яхши кўриб қолиши учун имкон яратиб бермас эди. Эйтиборсиз, ўз оиласи учун яшатишни сездириб қўяр эди. Энди аҳвол бошқача. Эри йўқ. Болалари ёш, ўзи учун ҳам яшаб қолмоқчи. Доим меҳнат қилгани билан бири икки бўлмайди. Ҳам машаққат, ҳам тижорат деганларидек, бир ўқ билан икки кўенни ургилари келиб қолди. Уйлари тўлади, бағрини бегона бир эркак тўлдирди. Азиза деган исми хор қилибсиз. Чунки, ота-онангиз сизни азизу-муқаррам бўлсин, деб қўйишган бўлса керак (Сиз деб айтолмайман).

Сен бўлса, бир хонадонни тинчлигини, осойишталигини буздинг. Бир бечоранинг кўз-ёшларига, дарду-аламларига сабабчи бўлдинг. Қандай қилиб, ўша аёл, унинг фарзандлари сени алқаб эслашсин. Улар доимо ўтирса ҳам, турса ҳам, юрса ҳам сени лавнатлаб эслашади. Ва сен шунга лойиксан.

Наҳотки, ўзинг аёл, она бўлатуриб 22 йил яшаб, 5 та фарзандни оёққа турғизган онани айблаёлсан. Онаси ўглининг хотинини “заҳарроқ, бепарворроқ, - деди”, дебсан. Онаси соҳотин бўлганда шунча дермиди?! Уям аёл, она бўлган-ку! Турмуш дейдилар бунини. Оилада нималар ўтмайди, дейсан. Мана, ўзинг ҳам бир эркак билан, болаларингни отаси билан ажрашиб кетибсан-ку. Қанақадир маънода бирон айб ўтгандир ахир! Ўша аёлга барибир ачиниб кетаялман...

Бировнинг бахти устига қурилган турмушингиз, қаср бўлса ҳам, ахир бир кун қулайди. Балки, бу дунёда жавоб бермасдан, роҳат-фароғатда шарсан. Лекин, охирадга ҳамма нарсани жавоби бор-ку, ахир.

Энди Мурод акага айтадиган галим: Салкам 50ни қоралаб, сочингизга оқ оралаб, невара кўрадагидан ёшингизда “Сенсиз қора ердирман, ҳазондирман”, - деб шеърхонлик қилиб юришингиз ҳеч ҳам ярашаётган бўлса керак. Бечоралик ҳам эви билан-де! Нима дедингиз?! Унда кўра аҳли аёлингизга чиройли муносабатда бўлиб, оилангизни кам-кўстини бутлаб, фарзандлар қамоли учун ҳаракат қилсангиз, бу дунёнинг ҳам, у дунёнинг ҳам овод бўлар эди. Фарзандларингизнинг Сизга бўлган меҳрлари бўлинимас, ақлини кўндан-кўнга ортар эди. Аёллар овозроқ тарихидеккина меҳр бўлса, кифоя. У шўринг қурулурлар шу меҳрга зор бўлиб ўтишади. Сиз кўчадан келиб, димог-фирог билан онангизни олдиларига кириб, ҳар хил гап-сўзларга эътибор бериб, тинглаб ўтирсангиз керак. Лекин, аёлингиздан кўнглини ҳам сўрамайсиз. Шунинг учун у аёл аламини ўзидан, фарзандларидан олиб, диққат бўлиб ўтирса керак. Сизга эса заҳарроқ кўринар. Онангиз ҳам яхши, тарбияли аёлга ўқшамайдилар. Бувилар бор уй фариштали, сариштали дил тортар жой бўлади.

22 йиллик келинини шунча вақтдан кейин, 5 та неварасининг кўзига чўп ташлаб, ўглининг ўйнашига бориб ёмонлаш ақли бор одамнинг иши эмас. Камбур 81 га киргунча оғир-енгил бўлган-дир. 1 пилёла иссиқ чойини, иссиқ овқатини, шу келин кўйгандир, ўринни солиб, кирини ювгандир. Майли, қилмаган ҳам бўлсин. Ўгли хизматкор ишлатиб, онасига қаратгандир. Лекин, 22 йиллик умри-чи келинини, 5 та фарзанд-чи?! Наҳотки, бемалол бориб, оқ фотиҳа бериб, “никоҳ ўқитиб яшайверинглар, мен ҳам келиб тураман “этаж” ларингга, ажратишни иложи йўқ, 5 та фарзанди бор”, дептилар. Галим оғир ботса керак, лекин уз сўрайман. Бир оёвингиз тўрда бўлса, бир оёвингиз гўрга яқинлашиб қолибди, “Имон”дан ҳам Оллоҳ ўзи ярлақанг кўринади.

Уялмасдан, сочингизни оқи билан келиб “ўглим зерикканда малҳам бўлинг” дебсиз. Бу бориб турган қўшмачилик эмасми?! Унинг ўрнига ўглингизга насихат қилиб, келинингиз билан ораларини келиштириб қўйишга ҳаракат қилинг. Эрхотиннинг орасини иситиш учун айтган ҳам Оллоҳнинг олдида савабга эга экан: Ёлгондан бўлса, ҳам ўглингиз келганда, “вой келиним баракча топкур уни қилиб берди, менга шундай яхши парвариш қилди, сени фарзандларингга мақтади, ўрнат қилди”, деб айтсангиз эркак уйга кўнгли ийларди, хотинига меҳри ортади.

Сиз онасиз, ҳеч бир фарзанд онасини топтаб ўтмайди. Ҳамма гап Сизда қолган. “Ман робизасман болам, фарзандларинг бўтадек бўзлаб қолмасин, мандан кейин”, - десангиз олам гулистон.

Азиза ҳам бирон мусофирини, болалари бор аёли ўлган кимсагами, ёки ўзидек ажрашганларгами тегиб кетар. Шартми, оилали эркакни йўлдан уриш. Сиз яхши иш қилмабсиз, онахон! Ўзи Эгамини олдиларига боришингизга озгина масофа қолибди. Невараларингиз орқангиздан дуои фотиҳа билан эслашсин, ўглингизни бу йўлдан қайтаринг.

Ёки Сиз ҳам ёшлигингизда фақат ўз хузурингизни биринчи ўринга қўйган бўлсангиз керак. Шу тарбияни олган ўглингиз ҳам бир бечорани қақшатиб, ўз ҳаловатини ўйлапти.

Ҳамма нарсани бошида ўйлаб қилиш керак эди. Гарчи аёлингиз ёқмай қолган экан, уни ҳам ёшроқ, куч-қувват бор пайтида жавобини берганингизда, у ҳам ўз йўлини топиб кетган бўлар эди. Аёл шўрлик 5 та фарзандни туғиб, тарбиялаб, елиб-юғуриб, уларни вояга етказиб, эрининг дашноларини эшитиб, қайнона-қайнбуинларнинг хизматини қилиб, уйим-жойим деб, минг бир андиша билан ҳамма нарсга чидаб яшасада, бир кун келиб, “ўзи заҳар эди, гиринг деб кўрсинчи, ўзидан кўрсин, уйдан меҳр топмасам кўчадан ахтараман”, - деб жавоб олса. Тўғри, аёлингизни ташлаб қўётганингиз йўқ, Лекин, сиз уни тириклай ўлдирдингиз. Тиз чўкиб, хор қилиб яшагандан кўра, ўлим ҳам афзалроқ унга қилисангиз! Лекин, у яшагга мажбур! Сиз учун эмас. Сиз бунга арзимайсиз! Фарзандларингиз учун. Чунки, фарзандларга бу дунёда ота энди йўқ ҳисобида. Чунки, сиз едирасиз. Кийинтирасиз, олтинга кўмиб ҳам қўйинг. Лекин, аввалги меҳрингиз йўқ энди, улари, уни топиб ҳам беролмайсиз. Хаёлингизни кўчадаги ёр эгаллаган. Унга яхши кўриниш учун унинг фарзандларига яхши кўриномқчи бўласиз. Ўз фарзандларингиз сиздан бир нарса сўраса, ёки “шу керак экан, устозим айтди”, - деб қолса, сизга хархаша бўлиб туюлади, хотинингиз ўргатиб қўйгандай унга ўнақашасиз. Энди, аёлингизни фақат сояси яшайди, ҳелос. Ташқаридан тирик инсондек яшайди. Ёйди, ичади, ишлайди, қулади, ухлайди. Лекин унинг қалби юраги майда-майда бўлиб тешлиб кетган. Буни фақат ўзи билади ва Оллоҳ тўғох.

Азиза, хатини бир жойида “Мурод акам мени кундош деган балодан ўзлари асраётдилар”, - депти. У шўрлик аёл сени “эрингни” тортиволиб бало бўлдимми?! Сен уни эрига осилиб юрибсан-ку! “Ўзингизга оро бериб юринг”, - дейдилар депти. Шунинг учун ҳам қораканда Мурод акагга, кўчиноқ қилиб ўйнаб юришга. Хотинига ҳам шундоқ десин-чи, демайди. Чунки, хотинига бепарқ, эътиборини сен тортиб олгансан. У намо кийвооти, нимада юрибди, охириги марта қачон атир олиб берган, эсида ҳам йўқ. Онасини хизматини қилиб, эгани-синглисини кўтиб ўтирса бўлди. Кўчага чиқишга ҳам рўхсат йўқ хотинига, бўлса ҳам, фалон пайтда кел, фалон овқатни қил, онамини яхши парвариш қил, деб яшаса керак. Кошки, шунини ўша ноинсоф қайнона билса...

Сизга кетказган пулларини ўғил-қизига сарфлаб, уларни олий ўқув юртиларига киришига имкон яратганди, аёлини кўнглини олиб, дам олишларга юборганди, унинг аёли ҳам парволорик, сендан-да ширин сўзроқ бўлармиди. Дакки эшитавербди, эрининг ибнатларига чидавериб, ўша шўрлик чехраси очилмайдиган, муомага нўноқ бўлиб қолгандир, балки. Мурод ака сендан шунча фазилат топибдилар, “гўеки унча-мунча аёлларда топилмайдиган муомала, чаққон ҳаракат, чиройли муносабат, меҳнатқашлик” мавжуд экан. Ундан чиқди ўз эринг “тайёр хазинани ўз қўли билан ташлаб юзорибди-да. Сан муҳаббат учун курашаман, дебсан. Уялмайсанми, қанақа муҳаббат. Ўзинг жуда яхши биласан сенга нима кераклигини! Пасткаш, ифлос туйғуларингга муҳаббат сўзини қалқон қилиб, хаспўшлама. Сенга фақат эркак керак, ўмганда тафтингини совутиб туриш учун. Унинг пули керак, яхши еб, яхши кийиниш учун. Бўлмаса турмуш кўрибсан, фарзандларинг бор экан. Ўзинг тингинча яшаб, болаларни тарбиялаб ўтирсанг ҳам бўларди-ку! Албатта, оилали одамни бахтига қанг солмай! Кечалари икки ўғлинг бир ёқда, оқ-воҳ қилиб чиқиш шартми, андишасиз хотин! Менинг Оллоҳдан ёлғиз ўтинчим, сенга ва сенга ўхшаган аёл номига иснод, келтирувчи беандиша, беорларга берадиган жазосини у дунёга олиб қўймай, шу ёруғ дунёда кўрсатсин, токи ўша шўрлик аёлга ўхшаган аламаздаларнинг юракқинаси совусин. Ўз кўзалари билан кўриб, ўз қулоқлари билан эшитсинлар, эрлари ва уларнинг ўйнашларини хор бўлганини. Мен уларни 2-хотин деб айтолмайман, улар ўйнаш, шу уларга муносиб ном.

2-хотин бўлишга 1-хотин розилик берсагина никоҳ ўқитилди ва ҳалол бўлади, қачонки у аёл касалманд, муомаласга ярамаса, руҳий заиф бўлиб қолса, ёки зурирдегиз бўлса. Бекиткича никоҳ ўқитиб, ҳалол бўлди дейиши, бу куфр. Суф шундай домларга ҳам, пул учун яширин никоҳ ўқитган. Улар ҳам шўрлик аёллар ва норасида гўдакларнинг кўз ёшларини уволига қолдилар, албатта, иншооллоҳ. Авваллари ҳам, ўтган асрларда қўриб етган ота-боболаримиз ҳам, мен уйланмоқчиман, деб вақил орқали 1-аёлларидан розилик сўратишган. Зўрлик билан уйланганлари ҳам барибир очикчасига аҳли аёлига маълум қилган. Ҳозир баъзилар эс-ҳуши қурьонда 4 та хотинга рўхсат бор, чидасанг шу, чидамасанг катта кўча деб, кўпроқ хотин олишга, ким ўзарга тўшиб кетишиди. Бу билан кимга зарар, кимга фойда.

Оллоҳ ўзи инсоф берсин.
Ҳолида АҲМЕДОВА,
Тошкент шахри.

АЁЛ ЧАНГ СОЛМАСИН АЁЛ

БАХТИГА

“Чора тополмай қолдим”-24-сон

Эслатма: Беҳруз исми йигит: “Мадина деган қиз билан севишдик, бирга бўлдик. Бу орада мен яна бир қиз билан танишиб қолдим. Уни қаттиқ яхши кўриб қолганман ҳозир. Лекин Мадина... “Ҳомилдор эканлигини айтди. Бошим қотиб қолди”, - деб ёзганди.

Хаёт кимга аза, кимга тўй бутун.

Яшаш кимга лаззат, кимга ўй бутун?..

Ҳа, ҳақиқатан ҳам кимга тўй, кимга аза. Беҳруз шу мисраларни ўқиб ўзингизга яхши тарафга ҳулоса чиқаришингизни умид қиламан. Сиз учун бутун тўй. Нима учун дейсизки? Сабаби Мадинанинг бахтига чанг солиб ва ҳеч нима бўлмагандек вақтни бой бермасданқоқ бошқа қиз билан танишиб, унга севиғи изхор қилишингиз инсофданми? Шунга айтишар экан-да янги ёрни кўрганда, эски ёрдан кечмоқ керак деб, Мадина учун бу хаёт азага айланади. Биринчи муҳаббатингизни ва дунёга келаётган фарзандингизни икки ўт орасига ташлаб қўйиб “Чора тополмай қолдим” деб маслаҳат сўрабсиз. Мадина билан туғилган кўнга боришни ва шайтон васвасасига кириб бўлар иш бўлиб, чора тополмай қолганингизга аёл бўлсангиз ҳам қўйил қолмадинг. Йигит кишини элбатта чора топишингиз керак. Синглим Мадина, бўлажак фарзандингизни ташлаб кетишингиз Оллоҳга хуш келмайди. Бутун умр виждон киноярида қоласиз. Беҳруз, севиғи ва муҳаббатни жуда тез алмаштиришингиз хаётга тайёр эмаслигингиз ва енгилтақлиғингиздан дарак бермоқда. Муҳаббатни оёқ ёсти қилган йигит-қизларга қаратиб айтилган бир шеърни мисол ўрнида келтирмоқчиман.

Адо қиладурган муҳаббат қани,

Фидо қиладурган муҳаббат қани?

Қани Отабекни сарсон қилган ишқ,

Гадо қиладурган муҳаббат қани?

Ҳозирги севгилар ёнару ўчар,

У дилдан бу дилга тез, осон кўчар,

Севиб улгурмайин ўтга отарлар,

Қониб улгурмайин ортага қайтарлар.

Кўз олдимда сўлса гўнчадай қизлар,

Ҳаволарда қолса ҳавоий сўзалар.

Боглар ваъда қилса ношуд Мажнунлар,

Тоғлар ваъда қилса висолли тунарлар.

Қадри ер бўлишиб қоврилса қизлар,

Арзон, жуда арзон соврилса қизлар.

Мен қандай чидайман жон Момо ҳаво,

Сиздан наҳот сўрай, беринг бир нидо.

Йўқолган инсофлар қайтсин ортига,

Аёл чанг солмасин аёл бахтига.

Адо қиладурган муҳаббат қани,

Гадо қиладурган муҳаббат қани?

Зеро, бу шеърни ўқиб, Мадинага бўлган муҳаббатингиз, севгингиз қайта тикланса Муқаддас Оила пойдеворини бирга қурсангиз. Беҳрузжон, сизни Мадина билан турмуш қўриб бахтли бўлишингизни ва дунёга келаётган фарзандингизни ўз ота-онани бағрида ўсиб улғайишини, шу фарзанд оилангизга бутун умр бахт, қувонч, шодлик олиб келишини Яратгандан сўраб қоламан.

Муқаррам ЎСАРОВА,
“ОРЗУ” А.Ж. бирлашмаси ҳисобчис
Тошкент.

ШАБРИКЛАР ВА ЁЛОЧЛАР



Азиз фарзандимиз ОДИНА!
19-ёшинг муборақ бўлсин. Оллоҳдан сенга саломатлик, узоқ умр, бахт-саодат тилаймиз.
Мухаммаджоновлар оиласи



АБДУКАРИМ акахон!
Сизни таваллуд қилган кунингиз билан табриклайман. Янгам билан бахтли бўлиб, фарзандларингизни роҳатини кўринг, синглингиз Феруза.

Азия ва мухтарам онашонимиз НАСИБАХОН!
14-октябр туғилган кунингиз билан чин дилдан табриклайман. Фарзандларингиз бахтига доимо соғ бўлинг.
Қизларингиз, куёвларингиз, невараларингиз номидан Муроджон.



Ўрматли ДИЛШУРОД аҳн!
14-октябр кунингизга тўлишингиз билан чин қалбдан табриклаймиз. Сизга соғлиқ, ишнингизда омадлар тилаймиз.
Ўрмат билан Санобар ва Зухра

ОИЛА -535
Тошкент шаҳрининг Сирғали туманида яшайдиган, уй-жойи бор тижоратчи, жуда кўркам йигит, камтар ва ҳаёт ташвишларию кувончларига шерик бўлгучи одобли қизни излайди.

МЕН ТАЛАБА БУЛДИМ

Жудаям эрка эдим. Дадажонимнинг эрка қизи. Бирок...
- Қизим, ўқишга борасанми?
- Бораман... Бораман дада. Ҳали ўзингиз олиб борасиз.
- Боргин, ўқингиз қизим, ўқингиз... - дадам шундай деб кўзларини юмди.
Бу даданинг сўнги... энг сўнги сўзлари эди.
Онамнинг фарёди бутун дунёни титратди. Менинг қалбимни минг-минг бўлақларга бўлиб ташлади.
Кунлар ботди, ортидан тонглар отди. Менинг эркаликларимдан, шўхликларимдан асар ҳам қолмагани. Бор кучимни, бор иродамини онамни овутишга сарфлардим. Онам ҳам шундай қилар, ҳар гапида ўқишга тайёргарлик кўришимни таъкидларди. Тайёргарлигим эса ўзимни ҳам, онамни ҳам қониқтирмасди.
Дадамнинг "кирк"ини ҳам ўтказдик. Эртага имтиҳон. Эрта билан шаҳарга йўл оломгим лозим, Худодан омадимни тилаб ухлагани ётдим. Туш кўрибман: Меҳмонхона бўзилган дастурхон

бошида дадам ўтирибди. Дадам... Дадажоним...
Кувончдан энтикар, негадир тинимсиз йиғлардим. Шунча йилгасам ҳам дадам эътибор бермасди.
Қарамаган эканман, дастурхон четида хом гўшт турган экан. Дадам гўштни олиб, менинг кўлимга нон туқказди:
- Буни олиб кўйгин, гўштни мен олиб кетаман. Омадингни берсин.
- Дада, дадажон... Кетманг... Кетманг. - Жон ҳолатда бақира бошладим.
Овозим ўзимни уйғотди. Чўчиб уйғондим. Кўз ёшларим ёстигимни намлабди.
Ўзимни юва солиб, китоб жавонидан "Таъбирнома"ни олдим.
"Йиги - кувонч"...
"Хом гўшт - ғам-андух"...
"Нон - хурсандчилик"...
Онамнинг дуосини олиб имтиҳонга кетдим.
Тушимнинг таъбири эса йигирма кундан кейин аён бўлди. Ғам-андух кетиб хурсанд бўлдим...
Мен талаба бўлгандим.
Наргиза УСАНБОВА,
ТошДУ талабаси

ЯХШИЛИККА ЁМОНЛИК

Эртақлар доимо яхшилик билан тугайди, эртачки халқнинг орузи яхшилик. Лекин ҳаёт эртақ эмас, айниқса инсон ҳаёти. Яхшиликка яхшилик қайтса-ю, хўп-хўп... Кайтмас ҳам бир нав, Яхшиликнинг жавоби ёмонлик бўлиб чиқсачи? Биз ҳаётда ҳам эртақ бўлиб кўринадиган ва эртақ бўлиб қоладиган воқеаларни кузатамиз, уларнинг ҳаммасини яратганингиз ўзи белгилайди, албатта.
...Бу воқеа қачонлардир, чекка бир қишлоқ Обчеккада бўлган экан. Қишлоқ хавоси гоёт муссаффо, табиати гўзал. Ниҳоятда хушманзара жой. Айниқса, баҳорда атроф яшнаб кетади. Ёшлар аксарият чўки, қимиздик, тошбостирик, гарч каби табиат инъомларини термоқ ниятида тоққа йўл олар эканлар. Йттифоқо, ёш бир йигит ўз ҳамроҳларидан олдирик кетибди ва уларни йўқотиб қўйибди. Қоронғу тушгунча дўстларини тополмай бир ўзи қолибди. Кўрқув аралаш атрофни олазарак кезавериб, қўққислан бир каттақон чўқурга йиқилиб тушибди. У каттиқ бақирибди, одамларни ерданга қорлабди, тиқ этган аксарда кайтмабди. Йигит ҳамаси 5-6 метр келадиган, уни ваҳшатда қолдирган бу чўқурдан чиқмоқ учун кўп уринибди, бўлмабди. У ниҳоят тоийб, тақдирга тан берибди. Ноумид, оёқ-кўли бўшашиб, ерга чўкибди, қўзини уйқу элиптибди. Бир пайт атроф-

дан аввал "шитир-шитир" овозлар келиб, сўнгра дарахт шохларининг қасир-қусур сингани, япроқларнинг чирсиллаши эшитилибди ва юқоридан бир йўғон нарсга чўзилиб, аста-секин йигитнинг ёнига тушиб келибди. Бу узунлиги 5-6 метрлар ҳамасидаги баҳайбат илон экан. Йигит даҳшатдан қаловланиб, ўзини йўқотиб қўйибди. Илон эса йигитни сезибди-ю, негадир унга тегмабди. Рўпарасида қулча бўлиб ётиб олибди. Йигит тун бўйи мижжа қоқмай илонга термулиб чиқибди. Тонг отгач, илон аста сирпаниб чўқурдан чиқиб кетибди. Кечқурун яна қайтиб тушибди. Хуллас, бу ҳол уч кун такрорланибди. Учунчи кун йигит батрамом холдан тоийб қолибди. Илон чиқиб кетаётган пайт "бор таваккал" деб илоннинг думига бор кучи билан осилиб олибди. Илон уни зулматдан, очик, ёруғ дунёга олиб чиқибди, биллими-билмайми, унинг ҳаётини сақлаб қолди. Уни соғ-саломат кўрган ота-онаси, қон-қариндошлари севинчдан йиғлаб юборишибди. Йигит воқеани бироз сўйлаб берибди-ю, негадир илон ҳақида ҳеч нарсга демабди. Эҳтимол "Барибир улар менга ишонимайди ва жиннига чиқаришади", деб ўйлагандир...
Орадан 3-4 йил ўтгач, бир кун бу хусусда ўз дўстига "ёрилибди", Дўсти аввалгига ишонмабди. Йигит қасам ичгач, дўсти уни аврай бошлабди, "

Кел дўстим, шу илонни тўтиб, мўмай пул ишлаб оламиз!" Хуллас, икки йигит илон оловчиларни ахтариб топиб, уларга бўлган воқеани батафсил сўзлаб беришибди. Уша чўқурни икковлон тоғаникларини, поилаб ўтиришиб уни кўрганликларини айтишибди. Йигитлар уларни ўша чўқурга бошлаб келишибди. Пистирма кўйилибди ва минг машаққат ила илонни тўтиб олишибди, "мўмай пул" ишланибди. Овчилар илонни ўзлари билан олиб кетишибди. Орадан анча вақт ўтибди, воқеалар унутилибди. Нима бўлибди-ю, бир кун йигит тоққа жўнабди. Тасодифни қарангиз, у айланма-айланма ўша чўқур ёнига бориб қолибди. Хотирасида бўлиб ўтган воқеалар жонланаибди. У узоқ ўй суриб чўқур лабида ўтириб олибди. Бир пайт атрофдан шох-шаббаларнинг "қасур-қусур" синган овози йигитни ўзига келтирибди. У ўгирилибди-ю, тош қотиб қолибди, чўки рўпарасида уни бир замоналар ўлимдан қутқазиб қолган даҳшатли илон ваҳшатла айри тилларини чўзиб, вишиллаб турган эмиш.
"Қандай қилиб бу ерга келиб қолди? Йигитнинг ҳаётидан шу ўй кечибди. У кўркандан ортига тисарилиб, чўқурга тушиб кетибди. Илон ҳам ўзини чўқурга ташлабди ва йигитни нобуд этди... Қилмиш-қидирмиш, деб шуни айтсалар керак-да...
Эркинжон ҲАЁНБОВ ўгли (Фидойи)

ЙИГИТЛАРГА ҚАНДАЙ ҚИЗЛАР ЁҚАДИ

Биз ўзбекларнинг оила қуришдан олдин бир яхши одадимиз бор: Йигитларнинг онаси совчиликка юради, таниши-биллишлар, қаёму қариндошлар хабарини берган хондонга бориб, қизни кўриб, ёшлар учрашувини келишилади. Кўп ҳолларда эса йигит ва қиз бир-бирларини ёқтирамай, совчиларнинг оилаб "пиширган оши" тўкилиб кетади, бекор бўлади.
Яқинда жиянимни уйлантириш учун бир таниш қизнинг оиласи билан йигитнинг ота-онасини таништириб, тўйга иккала томон ҳам рози бўлгач, қиз билан йигит учрашди-ю, иккаласи ҳам ҳар тарафга тарқалиб кетди. Аввалгига эсанкираб қолдик. Аслида оилалар ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан бир хил, йигит ва қиз олий маълумотли, бўйи-бўйига мос, иккаласи ҳам келишган, чиройли эди. Нега бундай бўлди? Йигит "қиз келажакда биз-қатталарнинг қандай хизматимиз, ҳиссамиси бўлиши мумкин?" Биз ёқади деб уйлаган сулув қизни ёқтирмай, кутмаганимизга розилик билдирди. Бунинг сабаби нимада?
Менимча биз ёшларнинг кўнглини яхши билмаймиз, айниқса бу ишда ҳал қилувчи рол берилган йигитга қандай қиз ёқишини билмаймиз. Демак, йигитларга қандай қизлар кўпроқ ёқади, оқроғими, қорачасими, тўласими, озғинроғими, баланд бўйлиғими, пастак-

кинасими, олий маълумотлиғими, ўқимаганими, хижоблиғими, замонавий-сими? Бу каби саволларга жавоб бериш учун вазиятни, атроф-муҳитни таҳлил қилмоқ керак. Агар шаҳарлик бўлса замонавийроғини ёқтиришади. Ҳар қалай ҳаммасиб дўстлар даврасида хижобда олиб юриш бироз ноқулай. Ҳар қандай ҳолатда ҳам қизнинг бўйи йигитниқидан пастроқ бўлиши керак. Йигитга давлат, қизга - хусн деган гап бор. Демак, қанча чиройли бўлса, шунча яхши. Хусн табиий бўлгани маъқул. Ортиқча пардоз-андоз кишида бепарволикни кучайтиради. Ширин сўз, хушмуомала бўлгани маъқул. Тили заҳар, чарсиллаб турадиганидан йигитлар бироз ҳайқишади. Агар йигитнинг ўзи ўқимшили, биллими бўлса, қизнинг олий маълумоти катта роль ўйнамайди. Бирок қизнинг фаҳм-фаросатлигини аниқ билиниб турсин. Йигитлар орасида қизнинг отаси қаерда ишлаши, бойлиги билан ҳам қизиқадиганлари бор. Афсус, бундай йигитларнинг сони кейинги пайтда ортиб бораёпти. Шу билан бирга шу ҳолатларнинг йигит қалбига таъсир қилишида қизнинг ёнидаги дўгонаси, янғаси асосий омили бўлади. Шундай экан учрашувга чиқшдан аввал, бирга чиқувчиларни обдон танилаш керак. Ахир бу умр савдоси. Қиз бола бир тилсим. Мана шу тилсимни очиб йигит кишининг идрокки, фаросати, қолаверса иқтидорига боғлиқ. Йигит киши гапдан, хушмуомала, кувонқ бўлса қизларнинг беқийёс ички дунёлари йигит қошида фож бўлади. Юрак

пардалари чертилиб, муҳаббат оҳангига созланади.
Юқорида баён этилган фикрларни ҳаммаслақ, йигитларни жалб қилишдаги энг биринчи ўринда, қизларнинг хусни-жамоли турар экан. Унинг қопқора пайваста қоши-ю, узун-узун килриқлари, гўнча лаблари-ю, қулданга яшнаб кетадиган инжу тишлари, олпоқ юзи-ю, чиройли қулгичи, беихтиёр йигит юрагини ром этади. Буни устига ёноғида холи бўлса Самарқанду-Бухоро қизга сепликка тайёр.
Иккинчи ўринда, қизларнинг бўйи ва қомати экан. Демак қомати хуш бичим, бўлган қизлар йигитнинг юрагига ишқ найзасини санчишига шубҳа йўқ.
Учинчи ўринда ширин сўзликлик, хушмуомала туради. Йигитларнинг юрагига олиб борадиган энг яқин йўл қулқоқ қали ўтади. Бу ўринда индамаслик, ўта камгаплик салбий таъсир қилишини айтиб ўтамиз.
Тўртинчи ўринда қизларнинг романтикага мойиллиги, ўқинган китобларидagi қизиқ воқеаларни эхтирос ила, хушчакқалик билан сўзлаб бера олиши йигитга илққ муносабатни шакллантиради. Бешинчи ўринда тикиш-бичишини ўрнига қўйиши, пазандчиликдан бохабарлиги туради. Қизнинг учрашувга қийиб чиққан чиройли либосини ўзи тиккаллигини билган йигит беихтиёр меҳри товланади.
Олтинчи ўринда дастурхон тузаш ва чаққонлиги туради. Бирор қафга оватқатлинишга кирганда қиз чаққон ҳаракатлар билан дастурхон тузашга ҳисса-

сини қўшса, йигит бундай қизни қўлдан чиқармасликка ҳаракат қилади. Еттинчи ўринда қизнинг уй-жойи, шаҳарнинг қайси қисмида туриши. Саккизинчи ўринда отасининг лавозими туради.
Албатта йигитларни жалб қиладиган қизларнинг фазилатлари вазиятга қараб ўзгариши мумкин. Бу фазилатларни ўлчайдиган мезон ҳам ҳар доим бир хил бўлавермайди. Балки бундай фазилатларни тури сон-саноксиздир ва турли ҳолатда, ҳар хил йигитга ҳар хил таъсир қилади. Аммо биз энг кўп учрайдиган, энг кўп тилга олиннадиган фазилатлар ҳақида баъзи рушнослар таҳлилларини қисқача баён қилдик. Айни вақтда қизларнинг йигитларга салбий таъсири ҳақида ҳам қисқача оғохлантириб ўтамиз. Чўки мақсад йигит ва қиз орасида илққ муносабатни вужудга келтириш:
а) учрашувга кибр билан, ўзни баланд ҳис қилган ҳолатда келиш;
б) қўпол қадам ташлаб, қоматини хунук кўрсатиш;
в) ярашмайдиган кийим кийиш ёки дидсиз кийиниш;
г) чарс-чурс гапириш ёки умуман гапирмаслик;
д) ўта ошириб пардоз-андоз қилиш; е) ҳадеб мол-дунёдан ва отасининг лавозими ҳақида гапириш;
ж) учрашувга бирга чиқадиган онаси ёки янғасининг беҳаё, маҳмадона бўлиши.
Уйлаймизки янги оила қураётган йигит-қизлар биз келтирган фазилатлар ва салбий таъсирлар ҳақида оғох бўлишга, ораларида илққ муносабат ўрнатилиб, муҳаббат илдиз тоиси, бахтли оилага эга бўладилар.

(Боши ўтган сонларда)

- Сумкани очиб қарадим, ичи тўла гул эди. Хатни очиб қўйдим. "Қизалоғим, онангин бу харакатини кечир болам, отангин васияти шундай эди. Сен бериб кетган пулларни биз даданг иккаламиз ишлатмасдан йиғиб юрардик, зора бахтинг очилиб қолса ўзини тўйига ишлатамиз деб орзу қилган эдик. Афсус, бахтингни, тўйингни кўролмадик, пулни эса даданг шу сабабдан ишлатишни таъқиқлаган эди, хатто ўша ўзи касал ётганида ҳам кўшинадан 300 сўм қарз оlib дори олиб кетган эдик. Одамларни гапи дадангдан шунчалик ҳам ўтиб кетган эди, берган пулларингни яна ўзинга қайтараяпман, тўйинг бўлса биздан тўёна сифатида ишлат уни қизим, биздан асло хафа бўлма, сени суйиб ўлиб қолувчи аяжонинг!"

Йиғлаб юбордим, аяжонимнинг мурорақ қўллари билан ёзган хатларини юз-кўзларимга босиб йиғлардим.

Укамга қараб: - пулни олиб бор, камингга ишлатасан,- дедим сумкани олди га суриб қўйиб.

- Ололмайман опа, аяжоним олма деб васият қилганлар.

Сумкани уйга олиб келиб ичидагиларни тўқдим, камиди уч юз минг сўм бор эди. Уч юз мингдан уч юз сўмни ишлатишдан ўзини тизган, иродаси мустаҳкам, сабр-матонатли ҳамда виждонли, ор-номусли отажонимни мени бепичоқ сўйганлигидан қойил қолгандим.

Орадан йиллар ўтди. Мени ёшим қирқга яқинлашмоқда, бу орада мен кўнгли қўйиб ихлос билан ишлаган мансабимдан хато-камчиликлар топишаолмагани учун вилоятга кўтарилидим, у ерда назорат-тектирив бўлими бошлиғи бўлдим, яна бир қанча ҳуқуқни, қонунни муҳофаза қилиш органларида бошлик бўлиб ишладим. Энди-энди ўтган умримга, босиб ўтган йўлимга қараш учун гоҳи-гоҳида ортимга ўғриламано юрагим орқага тортиб кетади. Чунки кўзга кўринарли ҳеч нима йўқ, наҳот умримнинг қарийб 40 бахорини беҳуда ўтказган бўлсам, дея аччиқ изтироб билан афсус қиламан, дея ўтиб кетган лаҳзалик ёшлигимга ачинаман. Шу ёшгача бирор марта севиб-суймадим, инсон албатта севади дейишди-ку, лекин Оллоҳни мени яратаётганида бу

ноёб туйғудан бенасиб қолдирган шекилли. Бўлмасам бирор йиғит, эркакни севган бўлардим. Ўша ёшлик йилларимда оддий қишлоқ йиғити бўлсам тегсам

мени махрум қилгансан эй худо, ахир мендек инсон, мол-дунёси бор, қўли узун одам улардан, оддий одамлардан-да бахтли бўлиши керак эди-ку дея қал-

билан умуман бир бахтсиз аёлни тушунгандек қарашади. Кўнглим ярим-лигини, қалбим яримлигини улар жуда яхши билишди, шунинг учун ҳозир улар мени юпатай ҳам қўйишган. Билишди, мени бошимга етган-мағрурлигимдир, уларнинг фарзандлари ҳам вояга етиб ўқишга кирган, уларга ёрдам бермоқчи эдим рад этишди. Фарзанд ўзи мустақил яшашга ўргансин дейишди. Ҳаётнинг паст-баландини қийнаиб таътиб кўришин.

Қишлоқдан ҳар гал қайтганимда мана шу ғиллама ҳовлига кирмайди, худди у мени ютуб юборгудек туюлади. Ишдан қайтган дамларимда хувиллаб ётган уйимга зўр-базўр қираман, бир ўзим учун овқат қилиш ёқмайди ҳам, ошхонага кирмаганимга ҳам бир ойдан ошганди, бу-гун сиз баҳона қирдим. Хуллас, мени ёлғизлигимни, оила қурмаганлигимни сабабини тушуниб етгандирсиз? Қиз бола ҳеч қачон қаддан зиёд мағрур бўлиб, мансаби кетидан манмасираб кетмасин экан. Чунки у бўлажақ аёл, меҳрибон оналигини бир дақиқа бўлса-да унутмаслиги керак.

Ғулида опа ўз тақдир ҳиқоясини тугатар экан деразадан оқариб келаётган тонг шабадаси қира бошлаганини ҳам сезмапман. Чумчуқларнинг чуғур-чуғури ҳам секин-аста бошланаётганди. Яна ҳаёт бошланди, янги кун, янги тонг бошланди, кимлар учундир бахт ато этувчи, кимлар учун эса омад, яна кимлар учундир саодат келтирувчи янги кун бошланаётганди.

Азизлар, Ғулида опанинг тақдир китоби сизга кимни эслатади, сиз бу опани ҳаётига, умрига қандай баҳо бера-сиз. Инсоннинг бахти ҳақиқатан ҳам унинг мансаби, креслосидами ёки оиласи, аёллик бахтидами? Сиз нима дейсиз, фикрингизни, маслаҳатингизни аяманг, зора Ғулида опа ва у кишига ўхшаган аёлларингиз, қизларингиз сизнинг насихатларингизни, дил сўзларингизни ўқиб кўнгли таскин топса, эсингиздан чиқарманг, меҳрибонлар улар сизнинг ёнингизда.

Ғулида опанинг сўзларини оққа кўчирувчи Дилшод ҚўЛДОШЕВ

ЧИМИЛДИҚҚА КИРМАГАН ҚИЗ ТУРМУШ САБОКЛАРИ

буларди, ҳозирги кунда су-юкли суяничгим, эркалаб ардоқ-лайдиганим, оғир кунларимда қўллаб-қувватловчи меҳрибоним бўлармиди? Ишдан чарчаб хориб келганимда аяжон деб йўлимга югуриб чиқадиган болажонларим, бувижон дея бўйнимга осилиб тинчлик бермайдиган невараларим, онажон деб меҳр кутадиган келинларим уқуларим бўлармиди?! Фақат прокурор ёки судьяга тегаман деб қилган орзу-ниятим хомхаёл-лигини, инсонни пешонасига ёзил-мас хатто бирор-та эркак ҳам қай-рилиб қарамасли-гига вақт ўтгандан кейингина инон-дим. Гоҳида кўча-қўйда ўзим тенги аёллар болалари, эри билан юр-ганини кўриб ичим-дан нимадир чирт этиб узилиб кет-гандек бўлади. Юрагим оғрийди, қалбим бўзлаб меҳрибонини то-пиб беришни сўраб илтижо қил-гандек бўлади. Ўша менга совчи қўйган йиғитлар-ни оиласи билан юрганини жуда кўп кўраман, ўттиз ёшимда менга уйлан-моқчи бўлган эркакни ҳам болалари билан баъзида кўча-қўйда учратиб қола-ман. Ич-ичимдан куюнаман. Улар бахтли оила, бахтиёр она, аёл, мен-чи? Нега мен бахтсизман, нега мен бахтли бўлолмай-ман? Гадога ҳам берадиган муҳаббатинг-дан, оила бахтидан, фарзанддан нега

бим наъра тартади. Кўзларимдан ёш оқиб ойнага қарайман, аввалги, ёш-лигимдаги ғўзалликдан асар ҳам қолма-ган, унинг ўрнини аста-секин ажинлар эгаллаб бошлабди. Ана у тўғрингиздаги сейфни ичи тўла мол-дунё,-деб Ғулида опа бориб сейфни очди. Унинг ичидан палча-палча қилиб тахланган пулларни олиб ғиламга ташлаб бошлади.

- Бу пулларнинг мен учун сариқ чақа-чалик қадри йўқ, б и л а с и з м и шунини? Нега де-сангиз улар мен-га на ўтган беса-мар умримни, ёшлигимни қай-тариб бераола-ди, на менга бахт, омад ҳада эта ола-ди. Болаларим бўлмаса бу пул-лар менга нимага керак, айтингчи, нимага, кимимга ишлатаман.

Ғулида опа га-пиравериб юраги тўлиб кетгандан йиғлаб юборди. Опани нима деб, қандай сўзлар би-лан юпаташни билолмай қараб турардим.

- Энди умрим-ни охиригача шундай ўтсам ке-нинг баъзида қишлоққа сингилларимни-кига, укамлариникига бораман, уларники-га бир неча кун қолиб яйраб келаман. Болаларини бағримга босиб эркалайман, совгалар бериб эркалайман, уларни кўриб болалигимни ширин дамларини эслайман. Болаларини бағримга босиб эркалаганимда улар менга раҳмдиллик



ХОТИРА-МУҚАДДАС

ҚАЛБИМИЗДА ҲАМИША БАРҲАЁТСИЗ!

Бедаво бу дардни манман деган врачлар ҳам да-волай олмадилар. Ким дўсту, ким душман бошимга мусибат тушганда билинар экан. Баъзи бир дўстлар номард экан! Агар "Оила ва жамият"ни мунтазаб ўқиб турсалар гап эгасини топади ва тегишли хулоса чиқаради деган умиддаман. Абдуғаффор Султонов 1950 йил 4 сентябрда Тошкент шаҳрида таваллуд топганлар, 18 ёшларидан бошлаб то 48 ёшларигача Тошкентдаги "Узгропромсельхозтехника" базасида ошбор мудири бўлиб 30 йил хизмат қилганлар. Иш-хонада ҳам, маҳалла-қўйда ҳам, ошна-оғайнилар ора-сида ҳам журмат-эйтиборли ва ҳаммага қўлидан кел-ганича ёрдам қўлини узатадиган инсон бўлганлар! Сиздек меҳрибон отажоним бўлганлигидан жудаям фахрланаман. "Яхшидан от қолади-ёмондан дод" де-ганидек сизни меҳрибонлигингизни ҳаммаю-ҳамма билишини хошлар эдим.

Дадажоним билан онажоним 25 йил турмуш қуришган. Сизларни ҳаётингизга ҳавасим келади. Бир-бирингизга ширинсўз ва ҳаётингиз мазмунли ўтди. Онажонимизни ва фарзандларингизни эрта ташлаб кетдингиз. Дадажон, сиз йўқсиз, уйимиз хувиллаб қолгандек!

Илоё жойларингиз жаннатда бўлсин, охиратингиз обод бўлсин, руҳингиз ҳамиша шод бўлсин ва бизни қўллаб қувватлангиз!

Менинг ягона тилигим авваламбор онажоним ва бувижонимнинг умрлари узоқ бўлсин, бахтимизга соғ бўлиб ва бизни роҳатимизни кўриб юртингиз. Сиз-ни ҳеч қачон унутмаймиз Отажон, қалбимизда ҳами-ша барҳаётсиз!

Бир кам дунё экан Оллоҳим нетай. Бу ғамгин бошим олиб қайларга кетай. Дардингизга дармон бўлолмадик отажон, Ҳамма бору фақат сиз йўқ отажон. Уйимизнинг тўри сизники эди, Қалбимизнинг қўри сизники эди, Фарзандлар ташвиши сизни чарчатди, Елдингиз-югуриб меҳрибон отам, Алам-армонда кетдингиз отам.

Фарзандлари: Шахло, Муроджон, Раъно, Барно, Умиджон. Турмуш ўртоқлари Захро С. Тошкент.

"КЕЛИН ОЛИШДАН ҚЎРҚИБ ҚОЛДИМ"

"Эрим иккаламиз 5 фарзандни тарбиялаб, вояга етказдик",-дея арзи холини бошлади редакция-га келган аёл.- Икки қизимни турмушга узатдим". Қизларим ўзларидан тиниб-тинчиб кетишди. Лекин, ўғлимни уйлантиришда катта хато қилдим. 24 ёшга кир-ган катта ўғлим Акмал кўчада бир қиз билан танишиб қолиб, у билан учрашиб юрибди. Келин из-лашга тушганимни кўриб: "шу қизни олиб берасиз, унга уйлан-масам бўлмайди",- деб оёқ тираб олди. "Ҳай майли, энди шунга кўнгли қўйибди",-деб севганини келин қилиб туширдик. Яхшиги-на тўй қилиб, тўрт хонали уйнинг бирига ёшларни жойлаштирдик. Бир ҳафтадан кейин келин бола-галати одат чиқарди. Кийимла-рини кийиб, индамасдан гап-сўзсиз кўчага чиқади кетади. Кей-инчалик ҳам на қайноман, на қай-нотам бор демасдан хоҳлаган жой-ига бориб-қилиб юрарди. "Май-ли, ёш нарса ўзи инсофга келиб қолар",-деб индамай юрардим. Инсофдан эса заррача дарак йўқ эди. Келинимни уй ишларига ҳам қарашгиси йўқ. Қозон-товоқ би-лан ҳам иши йўқ эди. Бир кун муросага қақшириш мақсадида: "Келинжон бирор жойга борсангиз менга ё дадангизга айтиб кетинг. Кейин сиз ҳам оз-оз уй ишлари-га қарашиб турсангиз, яхши бўларди",-дедим. Бироқ у: "Сиз-нинг нима ишингиз бор қаерга бориб, қаердан келганим билан, кейин мен ҳадеб ишларингизни қиладиган малай эмасман",-деб жеркиб берди. Бирор нарса де-сам дарҳол ойисига телефон

қилиб: - "Мен бу ерда бошим иш-дан чикмай касал бўлиб қолаяп-ман",- деб арз қиладиган одат чи-қариб қолди.

Аслида айб ўзимда эканлигини кейин тушундим. Оладиган келиним кимлигини суриштирмаймани. Ўғлим шунчи хоҳлайман деса, инда-май тўй бошлабман. Кейинчалик су-риштириб кўрсам келиним олдин ҳам турмушга чиққан, аммо эри би-лан қелишмай ажрашган экан. Ўғлим ҳам 24 ёшга тўлсада оқу-қорани танимаган эканими, ёки ро-стдан ҳам уни яхши кўриб қолган-ми, ишқилиб уйимизга келин эмас шайтон олиб келган эканимиз.

Шундай қилиб, тинчгина уйимиз-да кунора жанжал чиқадиغان бўлди. Муросамиз ҳеч қелишмади. У десам бу дейди, бу десам у дейди. Бизни назар-писанд қилмади. Олдинга ҳовлига чиқса ҳам ўзининг хонаси-ни қулфлаб кириб, қулфлаб чиқиб юрди. Кейинроқ билсам у ҳеч нар-сага зор эмас, хатто икки хонали уйи бор экан. Хуллас, ўғлимни ҳам-мамиздан бездириб уйига олиб кет-ди. Ҳар замон боламини кўргани борсам остонадан ўтолмай қайтиб келаман. Боламини ҳам уйимизга қилишга қўймайди. Нима қилишни билмай, бошим қотиб юриб охи-ри қудамизникига боришга мажбур бўлдим. "Ҳар қалай онаси тушу-нар",-деб дардимни айтгандим, олдига солиб қувиб юборди.

Барибир она, она экан. Фарзан-дини кўргим, унинг тақдирини билгим келади. Уйига излаб борсам келиним: "Мени тинч қўймасанг, сени йўқ қилиб юбораман, болан-гини эса тирик кўрмайсан",- деб кўркатади.

Мен энди нима қилишимни ҳам билмайман. Тақдирга тан бериб боламдан кечиб яшайверайми, ёки бу офатдан қутулишинг бир-он бир йўли бормикан? Дунёда фарзандини яхши кўрмайдиган ота-она бўлмаса керак. Ҳамма аёл-лар ўзининг қизи яхши келин бўлишини, борган жойида тиниб-тинчишини ўйлайди. Ўғлини уйл-лантираётиб эса бу ҳадик икки ба-рорбар ошади. "Уйимга келган келин мана шу рўзғор ўғлимники, асраб-авайлашман керак",-деб бутун меҳрини шу уйга бағишлар-микан? Агар келин шундай йўл тутса, уша хонадоннинг бахту-ба-ракасига айлиниб қолади, аксин-ча сизнинг мисқоллаб йиққан-тер-ган нарсаларингизни елга совур-са, эридан бошқа оила аъзолари-ни менсимаса бир кун бориб кўнглингиз совиб қўнглингизни ювиб қўлтиққа урасиз. Ундай кели-нини қозон тепасига, дастурхон атрофида қорлашдан безиллаб қоласиз. Ҳали яна олдимда уйл-на-надиган ўғилларим бор. Уларга келин олишдан қўрқиб қолдим.

Нотаниш аёлнинг ҳиқояси шу ерга етганида тугади. У гоҳ йиғ-лаб, гоҳ қулиб бироз аламиндан чиқди шекилли, "дардимни эшит-ганларингиз учун раҳмат, аяна эн-гиллашдим, бугеи бир гап бўлар",-деб қичиб кетди. Мана неча кун-дирки, ҳамон ўша аёлни ва унинг ўғли тақдирини ўйлайман. Ўғил қандай йўл тутаетганикин ҳозир? Ҳалиям хотини ёнида қўғирчоқ бўлиб яшаб юрибдимми ёки ўз хатосини тугатиб ота-она олди-га қайтиб келдимми. Менимча, бу му-шкулни осон қилишини яна битта осон йўли-ўғил икки тарафга ҳам бир хилда туриб, онасини ҳам, хотинини ҳам рози қилиши ке-рак. Яна билмадим... Буни умр савдоси, дейдилар. Сиз бунга нима дейсиз, азиз газетхон.

Лола АХМЕДОВА



"ИЙМОН"

Ажаб тилсимларга бу дунё макон,
Кимдир яхши яшар, кимлардир ёмон,
Кимга бойлик керак, кимгадир иймон,
Иймонга содиқ бўл, эй азиз инсон!

Кимдир ҳалол ишлаб топар нонини
Кимдир сотиб юрар соф виждонини,
Кимдир талош қилар ўзга молини,
Иймонга содиқ бўл, эй азиз инсон!

Умр ўтаверар, кун ўтган сайин,
Охират сўроги барчага тайин,
Дўзах оловига дош бериш қийин,
Иймонга содиқ бўл, эй азиз инсон!

Майлига, муҳтожлик кунлар чидагин,
Оллоҳдан бойликмас, иймон тилагин,
Чин инсон сақлайди тоза юрагин,
Иймонга содиқ бўл, эй азиз инсон!

**Лобар НАЗРУЛЛАЕВА,
Косон тумани.**

ЎЎТИНЧИ

Ўтинчим тинглагин эй мовий фалак,
Сен ҳам эшит: умр карвони.
Манзилга элт, қилмайин ҳалак,
Вақт ўзингсан умид сарбони.
Ҳаётнинг паст-баланд довларидан,
Хамроҳ бўлинг ошмайин якка.
Турмушнинг армонли суронларидан,
Мадад беринг чиқмайин хаста.
Орауимга толмас қанот бўлингиз,
Эзгуликдан қуйлаб шу мағрур юрак.
Бардошимга сўнмас сабот берингиз.

**Муяссар НУРМАТОВА,
Тошкент шаҳри**

УНГА

Сиз кўнглим мулкига беизн кириб,
Соғинч тугёнига солиб кетдингиз.
Менинг энг чиройли туйғуларимни.
Сабрлардан юлиб олиб кетдингиз.

Гузал туйғуларим покиза нурдан,
Яралган эдилар севги меҳридан.
Юрагим қонига бўялган гуллар,
Уларни беизн топтаб кетдингиз.

Сизга-чи ҳеч нима бўлмайди сира,
Кўнглингиз озгина ўртаб қўяди.
Покиза муҳаббат сизга бегона,
Эрмаклар кўнглингиз топиб қўяди.

Мен эса сиздан ҳеч тонмайман асло,
Юракда авайлаб асрайман сизни.
Йиллар тўфонига берсамда бардош,
Ёлғизим кутама бир умр сизни.

**Феруза МУҲАММАТОВА,
Самарқанд вилояти**

"Ўзавтотранс" Давлат акционерлик
корпорацияси ва Тошкент автомобил ва
йўллар техникуми меҳнат жамоаси про-
фессор

Худойберган МАМАТОВнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати
билан марҳумнинг оила аъзолари ва
қариндошларига чуқур таъзия изҳор
этидилар.

ЎЙНАБ ГАПИРСАНГ ҲАМ...

ШУНАҚАСИЯМ БЎЛАРКАН

Тўй халқимизнинг кичик бир бай-
рами ҳисобланади. Байрам эса
ўйин-кулги, шод-хуррамлик демак-
дир. Баъзан шу тўйларимизда баъ-
зи бир фаросатсиз кимсалар
кўнглимизни ҳижил қилиб қўйиша-
ди.

Шахрисабз туғилган юртим. Шу
сабабли имконият бўлди дегун-
ча юртимга ошиқаман. Яқинда
қариндошларимиз тўйга таклиф
қилишди. Жон деб бордим. Бир
уй аёллар ҳазил-хузул қилиб, кули-
шиб ўтирганимизда Холпошша
деган озгин, новча аёл ўзидан на-
рироқда ўтирган ўрта ёшли, сочла-
рига эрта оқ оралаган Саодат опа-
ни шанғиллаганча гапга тутди:

- Апа, мошинайла юриб қопти-
а, ким тутатди?

- Ўғлим Исмоилжон. Бунақа иш-
ларга қўли яхши келишиб қолди.
- Ҳа анови кийишқ ўғлингизми?

Опа бир сесканиб кетгандай
бўлдилар. Холпошша бу саволи
камлик қилгандай яна шанғиллаб
қўшимча қилди:

- Апа, ўзайиш бир қошиқ сув би-
лан ютудексиз. Поччаниям биров-
дан камчиликлари йўқ. Шу ўғлинг-
из галатироқда,-деб гапни қотир-
гандай хангиллаб кулди. Гапни
қотирганини билмадим, лекин
бир уй аёлни бу шум кулги бир
муддат қотириб қўйди.

- Уста худойимнинг иши. Ожиз
бандалар. Унинг иродасига қарши
боролмаймиз. - Саодат опа шун-
дай деб синикқина кулимсираб
қўйдилар.

Бу гапларни тинглаб турган та-
баррук онахон Муҳтарам ояпошшо
(оқсуяк эшон аёлларига нисбатан
исмлари айтилмасдан шунақа му-
рожаат қилинади) чидолмадилар:

- Холпошша, гап экан деб ҳар
нарсани гапираверманг. Ҳали ёш
бўлсангиз. Олдингизда нима бор,
нима йўқлигини қаердан биласиз?

- Ояпошша, ман нима дедим?
Ояпошша уни гапиртиргани
қўймадилар.

- Шуюм гап бўлдим, қўйинг га-
пирманг! Ман силага ўз бошимдан
ўтган бир воқеани айтиб берай,
хулосасини ўзларинг чиқариб ола-
сила, эшитийла, - деб ҳаммани
ўзларига қаратдилар.

"Ман 15 ёшимда турмушга чиқ-
қанман. Катта ўғлим Ортиқжон 16
ёшимда туғилган. Ўғлимнинг исми
ўзи билан бўлиб, ўнг қўлида ор-
тиқча олтинчи бармоқчаси бор
эди. Бир кунни далада иш кўпай-
иб, боламни эмизишга боролма-
дим. Қайнонам, раҳматли олдим-
га кўтариб келдилар. Ювиниб, Ор-
тиқжонни эмизиб ўтирсам дугонам
Бахрихон олдимизга келиб, ўғлим-
ни эркалатган бўлди. Бирдан кўзи
унинг қўлчасига тушиб, қотиб-
қотиб кула бошлади. Кулгиси ҳеч
тина қолмасди. Вой мановни
қарайла, шунақасиям бўларканда,
воҳ-ҳа-ҳа.

Бу кулги ҳалиям қулоқларимда
жаранглаб туради. Ортиқжонни
жаҳл билан қайнонамга узатдим:
"Олинг, керакмас менга бунақа
ҳаммага кулгу бўладиган бола, ик-
кинчи олдимга опкеманг",-деб йи-
лаганча ишимни давом эттирдим.
Қайнонам ўзларича мени инсофга
чақирган бўлди. Қулогимга гап
кирмас, фақат Бахрихоннинг кулги-
си янгради. Бахрихонга менинг
аҳволим сал таъсир қилди шекли-
ли, мени овута бошлади. Шундоқ
бошимни кўтариб қарасам кўзла-
ри ҳалиям қулиб турибди, лаби-
даги кулгусиям эпсизлик билан
яширилган. Ичимдан зил кетдим.

Наҳотки болам шунчалар кулгули
бўлса. Бу орада мени гапга солло-
маган қайнонам акамнинг олдила-
рига арзи-ҳолга бориштилар:
"Жаҳл қилиб боласини эмизмади,
сан бориб насиҳат қил. Сани га-
пингни икки қилмайди". Кўп ўтмай
дала бошида Ортиқжонни кўтариб
олган акам, орқаларидан югурги-
лаб қайнонам кўриндилар. Ишим-
ни қилавердим. Акам келдилар-да:
"Муҳтарам, агар шу болага бир

нарсга бўлса, ман сени соғ
қўймайман. Ол, болангни қорнини
тўйғиз!",-деб биг-биг йиғлаётган
боламни қўлимга тутқиздилар.
Йиғлаб юбордим. Ҳар қанча жаҳл
қилсам ҳам боламни ташлаб қўяр-
мидим. Акам Бахрихонга бошдан-
оёқ қарадилар-да ҳеч нарсга демай
қайтиб кетдилар. Шу воқеадан
икки йиллар ўтгач, киш кунлари
эди, эшигимиздан биров кириб
келди. Қўлида чакалок, Разм солиб
қарасам дугонам Бахрихон. Истиқ-
болига югурдим. Мани кўриб йиғ-
лаб юборди: "Дугонажон, мани ке-
чир. Бир вақтлар болангни усти-
дан кулгандим. Ўзимни боламнинг
қўли тўмтоқ тугилди. Тирсагидан
пастиди бармоқча сал-пал ўхшай-
диган 4 та эт бор", деб баттар
изиллаб йиғлай бошлади. Жойим-
да ўтириб қолдим. Қайнонам ай-
ланиб-ўргилиб унга далда бера
болашадилар: "Ҳаммаси худодан,
дугонанг санга ёмонликни раво
кўрармиди. Уйга қирақол, совқоти
кетдинглар". Дугонам уйга кирма-
ди, йиғлаганча қайтиб кетди. Ярат-
ган Эгамнинг фаришталари-бола-
лар устидан ўринсиз қулиш жазо-
сиз қолмаслигига ўшанда имон кел-
тирганман".

Ояпошшанинг ҳикояси ўз таъ-
сирини кўрсатди. Холпошша қиза-
риб-бўзарганча Саодат опадан узр
сўради:

- Апа, ман бефаҳми кечиринг,
ўйламасдан гапириб қўйибман.

Саодат опа беозоргина қулиб
қўйдилар. Бу уларнинг кечирган-
лари эди. Вақтида айтилган иб-
ратли ҳикоя ва узрдан сўнг ҳам-
мамизнинг дилимиз чароғонлаш-
ди, ҳаммамизга тўйнинг завқ-ша-
вққа тўла кўтаринги кайфияти
қайтди. Қиссадан ҳисса шуки:
"Ўйнаб гапирсанг ҳам-ўйлаб га-
пир? Бу дунёда ҳам ҳамма нарсани-
нг ўз ҳисоб-китоби бор.

Инобат НОДИРШОХ қизи



ОБУНА - 2000 ЙИЛ

**ЙИГИТЛАР, СИЗГА
МАСЛАҲАТИМИЗ**

Гулдай гузал ўзбек қизлари меҳрини қозо-
най десангиз "Оила ва жамият"га зудлик би-
лан обуна бўлинг ва уни танлаган ёрингизга
совға қилинг.

"Оила ва жамият"га обуна бўлиш ниҳо-
ятда осон. Бунинг учун турар жойингиздаги
алоҳа бўлимига мурожаат қилсангиз қифоя.

Оила ва жамият

Мақолада келтирилган
фактлар, воқеалар, маълум-
отлар учун муаллиф жавоб-
гар ҳисобланади.

Муаллиф фикри тахририят
нуқтаи назаридан фарқ қили-
ши мумкин.

Қўлёзмалар таҳлил қилин-
майди ва муаллифларга қай-
тарилмайди.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар:
Бош муҳаррир — 133-28-20
Котибият — 34-86-91

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.35
Босишга топширилди - 21.15

**ХОМИЙ
«Матбуот таркатувчи»
акциядорлик жамияти**

ОБУНА ИНДЕКСИ - {якка обуначилар учун 176
ташкилотлар учун 177

Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0558
33625 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма тобоқ.
Баҳоси эркин нарҳда.
Расом — Н. ХОЛМУРДОВ.
Навбатчи — Н. ЙУЛДОШЕВА.